Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 118 (20. 086) • 1988 йил 22 май • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ И. А. МАГИД БИЛАН УЧРАШДИ

М. С. Горбачев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Миср Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Исмат Абдил Магид билан 20 май куни Кремлда учрашди.

И. А. Магид М. С. Горбачевга Миср президенти Х. Муборакнинг шахсий мактубини топширди.

М. С. Горбачев бу мактубнинг руҳи ва мазмунини маъқуллади. И. А. Магиднинг визити Совет Иттифоқида Совет-Миср муносабатларини ривожлантиришдаги яхши нишона, деб ҳисобланмоқда, бу муносабатлар жўшқинлиги билан, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ўсиб бораётган даражаси билан ажралиб турибди.

Миср раҳбарияти, деди И. А. Магид, ташқи ишлар министрининг СССРга визитини тарихий воқеа, деб ҳисобламоқда. Москва билан Қоҳирининг, Совет Иттифоқи билан Мисрнинг ҳозирги учрашуви иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда муносиб ўрин олади.

Жаҳон сиёсатининг энг катта муаммолари ҳамда Совет-Миср муносабатларини янада ривожлантириш масалалари хусусида рўйростлик, ўзаро хайрихоҳлик ва ўзаро ҳурмат руҳида мазмундор фикрлашув бўлди.

М. С. Горбачев ҳозирги халқаро муносабатларга ёндашувимиз реалликларга, барча давлатларнинг манфаатларини эътиборга олишга асосланади, деб таъкидлади. Шу ёндашув доирасида совет раҳбарияти халқаро муносабатларни мухолифлик ҳолатидан чиқариб олиш, ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш учун ҳамма ишни қилмоқда, ядровий ва оддий қуролларни қисқартириш, химиявий қуролни тақиқлаш, хавф-хатарсиз, истиқболда эса ядросиз дунёни барпо этиш мақсадини кўзловчи қадамлар қўймоқда. Совет Иттифоқи маҳаллий можароларни сиёсий воситалар билан, барча томонларнинг манфаатлари мувозанати асосида бартараф этишга изчиллик билан интилиб келмоқда. Иқтисодий қолоқликни тугатиш, ноэквивалент мол айирбошлаш, ташқи қарздорлик билан боғлиқ бўлган кескин муаммолар зудлик билан ҳал этилиши лозим.

Совет Иттифоқи ўз ёндашувини ҳеч кимга тиқиштирмайди, ҳал қилувчи сўнгги сўзни айтишни даъво қилмайди. Биз етилган муаммоларни барча давлатларнинг куч-ғайратлари билан мулоқот, кенг миқёсдаги ҳамкорлик йўлида ҳал қилиш тарафдоримиз. Янги халқаро муносабатларни вужудга келтириш — жаҳон ҳамжамиятининг муштарак вазифасидир. Шу сабабли СССР халқаро муносабатларни соғломлаштириш жараёнини илгари силжитадиган, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кенгайтиришга олиб борадиган ҳар қандай ташаббусларни табриклайди.

И. А. Магид Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг фалсафаси ва мақсадларига Миср ҳам қўшилишини таъкидлади. У ҳозирги замоннинг асосий муаммолари хусусидаги позицияларнинг яқинлиги ёки бир-бирига мувофиқлиги — халқаро майдонда иккала мамлакат ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатлар учун яхши негиздир, деган маънода гапирди.

М. С. Горбачев билан И. А. Магид ҳозир Яқин Шарқдаги аҳволни ялписига ва одилона бартараф қилиш учун реал шарт-шароит вужудга келмоқда, деган якдил фикрни билдирдилар.

Совет Иттифоқи мана шу энг мураккаб ва эскириб кетган маҳаллий можарони тезроқ бир ёқли қилиш муддаоси билан актив ҳаракат қилаётганини М. С. Горбачев таъкидлаб ўтди. Реаликлар заминида қаттиқ туриш зарур. Фаластин масаласи можарони бартараф этишнинг марказий масаласидир. ФОТнинг иштироксиз можарони бартараф этиш жараёни илгари силжимайди. Бироқ бошқа томонларнинг — Сурия, Иордания ва Исроилнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Ҳозирги вазият БМТ паноҳида халқаро конференция ўтказиш имкониятларини очмоқда. Бу имкониятларни бой бермаслик керак. Совет Иттифоқига келганда у тинч жараёнинг барча қатнашчилари билан баҳамжиҳат иш тутишга тайёр.

И. А. Магид Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда совет ёндашувига қўшилишини айтди. Яқин Шарқ можаросини бартараф этишда Совет Иттифоқи жуда муҳим, асосий роль ўйнайди, деб таъкидлади у. Миср Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф қилишнинг барча жиҳатлари юзасидан Совет Иттифоқи билан бундан бўён ҳам фикрлашиб боришга тайёр.

Миср халқи мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида СССР берган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди, баланд Асвон тўғони совет ёрдами билан қурилганини эсда тутади, деди И. А. Магид. Миср президенти ва ҳукумати экономика, савдо-сотиқ, илм-фан, техника, маданият соҳаларидаги Совет-Миср алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдор эканликлари билдирилди. Миср ҳукумати СССР билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларига умидворлик билан қарайди.

М. С. Горбачев араб мамлакатлари билан муносабатларни Совет Иттифоқи сиёсатининг муҳим йўналиши, деб алоҳида уқтириб ўтди. Шу муносабатларга катта аҳамият берилади. Биз барча араб мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилмоқдамиз. Совет Иттифоқи Миср билан ҳам муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоридир. Совет томони турли соҳаларда Миср билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратларни зарур даражада қўллаб-қувватлайверади. Совет Иттифоқи Мисрнинг яхши шериги бўлади, деди М. С. Горбачев.

М. С. Горбачев Миср президенти Х. Муборакка салом ва энг яхши тилаклар топширишни илтимос қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе қатнашди.

(ТАСС).



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1988 йил 24 май эрталаб соат 10 да СССР Олий Советининг Катта Кремль саройидаги мажлислар залида **Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг** қўшма мажлиси билан очилади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

НАВОИЙ, 21 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Навоий область партия комитининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди талаблари асосида социал масалаларни ҳал этиш юзасидан Нурота район партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатлар сайлади. «Навоиазот» бирлашмасининг аппаратчиси Т. Г. Пахомова, СССР 50 йиллиги номли Зарафшон кон-металлургия комбинатининг мастери Ф. Я. Сойибов ва бошқа активлар коммунистлар анжуманида Навоий область партия ташкилотининг вакиллари бўладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов пленумда нутқ сўзлади.

* * *

ФАРҒОНА, 21 май. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида обком бюросининг аъзоси, Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. Мажитовнинг КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида областнинг 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программаси қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Пленумда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатлар сайланди. Улар орасида Фарғонадаги химиявий тола заводининг ишчиси У. Охунжонова, Риштон районидаги 85-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати М. Ҳайдаров, «Қўқон» совхозининг бригадири Э. Худойбердиев, «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта оператори В. А. Монаенко ва бошқалар бор.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади.

Пленум ишида СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев қатнашди.

* * *

УРГАНЧ, 21 май. (ЎзТАГ). Хоразм область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида 2000 йилгача бўлган даврда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш соҳасида область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама этилди.

Пленумда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатлар сайланди. 167-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармаси бригадири З. М. Шинкоренкога, Янгиариқ районидаги «Биринчи Май» колхозининг сут соғувчиси Ҳ. Жумабоева, Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири Т. Раҳимов, Хива районидаги Беруний номли колхоз раиси Р. Ражабовга ва бошқа ўртоқларга юксак ишонч билдирилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров нутқ сўзлади.

ЖОНАЖОН СОҲИЛДА

ТЕРМИЗ, 21 май. Бугун ҳарбий машиналар моторларининг гувиллаши Амударё кўприги атрофидаги сокинликни яна бузди. Афғонистондаги Совет қўшинлари чекланган қисмлари составидаги яна бир мотоўқчилар қисми Ватанига қайтиб келди. Совет Иттифоқи Женевада имзоланган битимларни қатъий ва изчил бажармоқда.

Бугун Ватанига келган уч орденли ҳарбий қисмнинг тарихи шавкатли жанговар ишлар билан нишонланган. 1941 йилнинг кузида Варнаулда ташкил этилган бу қисм 1943 йилнинг январида Волхов фронти составида Ленинград қамалини ёриб ўтишда қатнашган эди. Сўнгра Польшани озод қилди, Улуғ Ватан урушини Германиянинг шимолида тамомлади. Қисмнинг ҳозирги солдат ва офицерлари ота-боболарининг шонли анъаналарини давом эттирмоқдалар. Бу қисм қўшни мамлакатга биринчилардан бўлиб ёрдамга келди, Афғонистон аҳолиси учун юклар ортилган колонналарни кузатиб боришда юзлаб марта қатнашди. Уч жангчи — катта лейтенант Н. А. Шорников, лейтенант Г. А. Демченко (иккаласи ҳам марҳум) ва оддий солдат С. В. Игольченко Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Жангчилардан 4641 киши СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланди. Қисмнинг байроғини ҳам жанговар орден безади.

Қисм командири подполковник А. П. Ларионов Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Б. П. Шеинга рапорт беради.

Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Э. Бердиев тантанали митингни очади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, уруш ва меҳнат ветерани Ҳ. Имомов, Термиздаги М. Горький номли мактаб ўқитувчиси С. В. Вдовкина, интернационалчи-жангчининг онаси Н. А. Чуватина табрик сўзлари билан жангчиларга мурожаат этадилар. Самимий кутиб олганликлари учун подполковник А. П. Ларионов ва катта сержант А. Н. Пантелеймон интернационалчи-жангчилар номидан астойдил миннатдорчилик изҳор қилиб, она-Ватан олдидаги ҳарбий бурчимизни бундан буён ҳам садоқат ва мардлик билан адо этаверамиз, деб ишонтирдилар.

Митинг тугайди. Ана энди жангчилар «қуршовга» — меҳр-муҳаббат, туғилиб ўсган уйнинг ҳарорати, ўз улуғ Ватанининг самимияти қуршовига олинади. Майор Сергей Афонинни рафиқаси Лариса, қизи ва ўғли қаттиқ қучоқлайдилар.

Катта сержант Андрей Пантелеймонни кутиб олувчилар айниқса кўп бўлди. Чунки Термиз — унинг юрти, шу ердан у ҳарбий хизматга кетган эди.

...Мана, жанговар техника колоннаси яна ҳаракатга келади. Қисм бироз дам оладиган жойига бормоқда. Шундан кейин у доимий турадиган жойи томон йўлини давом эттиради.

Афғонистон Республикасидан қайтиб келган жангчиларни тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров қатнашдилар.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ, ЎзТАГ мухбири.

СОЛДАТ ОНАЛАРИНИНГ СЛЁТИ

21 май куни Тошкентда ҳозир Қуролли Кучларнинг сафларида конституцион бурчини бажараётган жангчилар оналарининг слёти бўлиб ўтди. Совет Иттифоқининг турли жойларида хизмат қилаётган жангчиларнинг 700 дан кўпроқ онаси Тошкент шаҳар партия комитети, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси, Ўзбекистон Ҳарбий комиссариатининг таклифига биноан республика пойтахтига тўпланди.

Мамлакат кўпгина шаҳарларидан жангчиларнинг оналари слётга етиб келдилар. Херсон область Белозерка посёлкасидан Л. М. Царюченко, олис Вильнюсдан Л. И. Забараускане, Молдавиядан И. А. Вовк ва бошқалар келишди.

Слёт қатнашчиларини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал-майор В. П. Стряпнин, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари полковник Е. И. Рибяк табрикладилар.

Ўғилларининг командирлари слётга юборган товушли мактубларни слёт қатнашчилари завқ билан тингладилар.

Она учун қийин ҳарбий хизматни ўтаётган ўғил билан дафъатан учрашиб қолишдан ҳам ортиқ қувонч борми? Слёт ўтаётган Навоий номли театр саҳнасида парда кўтарилиши билан саф тортиб турган жангчилар намоён бўлганида оналарнинг севинчи юракларига сиғмай кетди. Оналарнинг жанговар ва сиёсий тайёргарликдаги муваффақиятлари учун қисқа муддатли отпуска берилган ўз ўғилларига талпиндилар.

Салима Алимованинг ўғли Шимолий флотда хизмат қилади. Кунлардан бирида, таълим-жанговар вазифасини бажариш вақтида кеманинг моторхонасида авария чиқди. Катта матрос Равшан Алимов қайноқ сув ичида ишлашига тўғри келган бўлса-да, авария ҳолатини чаққонлик билан бартараф этди. Бу жасорати учун у мукофотга тақдим этилди. Шу тариқа Салима опа Равшан билан дийдор кўришишга мушарраф бўлди.

Аммо бир учрашув айниқса шодиёна бўлди ва бутун зал аҳли уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Ўзининг интернационал бурчини бажариб турган оддий аскар Аброр Набиев куни кеча Афғонистондан қайтиб келди. Интернационалчи жангчига слётда қатнашиш имконияти берилди, унинг онаси Муяссар опа ҳам шу ерда эди.

Слётда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи генерал-лейтенант В. Г. Денисов Афғонистондаги интернационал бурчини адо этиб келган запасдаги бир группа жангчиларга жанговар мукофотларни топширди.

Солдат оналари слётининг қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гуллар қўйишди.

(ЎзТАГ).

ХIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

• ДИҚҚАТ: ПИЛЛА ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

«КУМУШ ТОЛА» ОҚИМИ

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Сурхон водийсида деҳқончиликнинг дастлабки ҳосили — «кумуш тола» оқими бошланди. Бу ишни XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Жарқўрғон райони пиллакорлари бошлаб бердилар.

— Районимиз «кумуш тола» ижодкорлари бу йил 3 минг қути ипак қурти боқиб, ундан пландаги 134 тонна ўрнига 159 тонна ёки белгиланганидан 25 тонна кўп хом ашё сотиш мажбуриятини олишди, — дейди район пиллачилик идораси бошлиғи Э. Ғаффоров. — Ипак қуртлари қулай фурсатларда 1930 та оилавий пудрат звеноларига тарқатилди. Ипак қуртлари юксак агротехника қоидалари асосида жадал усулда парвариш қилинганлиги туфайли ҳосил мўл бўлди ва қуртлар қисқа муддатда пилла ўради. Шуни таъкидлаш керакки, бу йил ипак қуртлари учун озуқа—тут барглари керагидан кўп бўлди. Бу ҳол пиллакорлар ишини анча енгиллаштирди.

«Социализм» колхозининг 358 та оилавий пудрат звеноси аъзолари қуртларни жадал усулда парвариш қилиб, айниқса, мўл ҳосил етиштирдилар. Хўжаликнинг З. Норхўжаева бошлиқ звеноси 2,5 қути қурт уруғидан дастлабки қуниёқ 173 килограмм аъло сифатли пилла топшириб, белгиланган йиллик планни ошириб бажарди. Коллектив яна қўшимча ҳосил топширишга сўз берди. Хўжаликнинг Б. Дўсталиева, Г. Янгибоева, Б. Маматмўминовлар раҳбар бўлган звенолари ҳам ҳар қутидан 70 килограммдан ортиқ сифатли пилла сотдилар.

«Коммунизм» колхозидан О. Қобилова, Б. Тангиров, «Партия XXII съезди» колхозидан Ж. Турсунова, Н. Боймуродов номли колхоздан А. Абдумуродова, Ҳамид Олимжон номли совхоздан П. Раҳимқулов, «Сурхон» совхозидан З. Турдимуродова, М. Холбоева, Ў. Донабоева бошлиқ звеноларнинг заршуносларининг эришган ютуқлари ҳам чакки эмас. Улар ҳар қути қурт уруғидан 80-100 килограммдан ва ундан ҳам ошириб юқори сифатли ҳосил топширдилар.

Район бўйича дастлабки икки кунда 20 тонна пилла тайёрланди. Жарқўрғонлик пиллакорлар 25 майга қадар йиллик планни бажариш учун сўз беришди.

Шунингдек, областдаги Термиз, Ангор, Шеробод, Гагарин, Ленин йўли ва Қумқўрғон районлари хўжаликлари ҳам давлатга пилла сотишни бошлаб юбордилар.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

МОҲИР ҲАЙДОВЧИЛАР

● Беруний шаҳридаги 42-автокорхона ҳайдовчилари йилнинг тўрт ойи планини барвақт бажардилар. Шу даврда мобайнида 354800 тонна халқ хўжалиги юклари ташилиб, 1336 минг йўловчи манзилга элтиб қўйилди. Бу кўзда тутилганидан бирмунча ортиқдир.

Ўроздбой Ваисов, Тўхтабой Отажонов, Сафарбой Ибодуллаев, Тенгелбой Кушанов каби моҳир ҳайдовчилар конференция шарафига авж олган мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

М. МУХАНОВ.
Қорақалпоғистон АССР.

УЙ ҚУРИЛИШИДА

● Каттақўрғон шаҳри аҳолиси 1986 йили қурувчилардан 498 квадрат метр уй-жой қабул қилиб олганди. Ўтган йили эса шаҳар бинокорлик комбинати ишчилари 2408 квадрат метр саҳни уй-жой топширдилар. Улар партия конференцияси ўтадиган йилда 96 квартирали кўп қаватли уйни барвақт топшириш, иккита посёлка барпо этиш ва бошқа объектларни тез қўлдан чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Куни кеча шаҳарда янги маиший хизмат комбинати ҳам фойдаланишга топширилди.

Х. ЭШМУРОДОВ.

ҚАТЪИЙ АҲД

Ҳамма эҳтиётгарчиликка қарамай, сел оқими қурилаётган Толлимаржон ГРЭСи бош корпусининг котлованига уриб кетди. Ихота ғовлари тош ва лойни тўхтатган бўлса-да, аммо балчиқ котлованга отилиб, иссиқлик электростанцияси қурилишининг шу муҳим участкасидаги ишларни тўхтатиб қўйди.

— Кўрилган шошилинч чоралар сел оқибатларини тезда тугатишга имкон берди, — дейди «Узбекгидроэнергострой» трести бошқарувчисининг ўринбосари И. Шигильчева. — Котлован тозаланиб, уни бетонлаш давом этмоқда.

Шу йил «Ўзбекгидроэнергострой» бош пудратчи трестининг коллективи Ўрта Осиёдаги энг катта ГРЭС қурилишида 26,5 миллион сўмлик рекорд ҳажмда иш бажариши керак. Лекин хом ашё ва материаллар вақтида етказиб берилмаганлиги эришилган суръатларни бўшаштириб юборди. Шунинг учун ҳам ҳозир Қарши чўлидаги қурилиш майдонида бетон заводи қуриб битказиляпти. У бир суткада 500 куб метр бетон беради. Завод июнь бошларида дастлабки маҳсулотини беради. Тошкент, Нуробод, Чирчиқдан илғор бригадалар Нуристонга етиб келди. Уларнинг тажриба ва маҳоратлари бу ердаги ишларда ўзгаришлар ясайди, деб ҳисоблашмоқда. 800 минг киловатт қувватли биринчи блок 1990 йил охирларидаёқ ток бера бошлаши керак.

Қурувчилар Нуристондаги ишлаб чиқариш объектларида ишлаш билан бир маҳалда август бошларида мактаб ва боғчани фойдаланишга топширамиз, деб сўз бердилар. Зарбдор қурилишга келган кишиларнинг ҳаммаси шинам уй-жой билан таъминланди.

Нуристон, Қашқадарё области.

(ЎзТАГ).

• «Ҳосил-88»: «Дала–редакция» телефон линиясида

ШИЙПОНЛАР ҲОЛИГА ВОЙ

Оҳангаронлик жамоатчи мухбиримиз М. ҚАЮМОВ редакциямиз топшириғи билан район санитария-эпидемиология станцияси ходими М. ДАВРОНОВА ва район радио редакцияси мухбири М. АЛИЕВА билан ҳамкорликда рейд ўтказиб, шу райондаги Будённий номли совхозда дала шийпонлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини ташвиш билан хабар қилади:

Б. Ширинов совхознинг йирик бригадасига бошчилик қилади. Коллектив бу йил 58 гектар ерда деҳқончилик қилиб, эл дастурхонига 120 тоннадан зиёд тарвуз, 268 тонна ошқовоқ, кўплаб бодринг ва бошқа резавор мевалар етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Аммо бригаданинг дала шийпонида деҳқонларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун энг оддий шароитлар ҳам яратилмаганлиги, айниқса, ачинарлидир. Электр линияси йўқлиги сабабли ишчилар радио эшитиш, телевизор кўриш, магнитофон тинглашдан маҳрум. Шийпон ремонт қилинмаган, теваракатрофлари ифлос, пашшалар ғужғон ўйнайди. Бино деразалари синган, аксариятида ойна йўқ.

Вақт тушликка яқинлашиши билан ишчилар биринкетин шошилинч жўнай бошлашди. Уларнинг нега барвақт кетаётганликлари сабабини сўраганимизда бригадир шундай жавоб берди:

— Хўжалигимизда ишчилар учун иссиқ овқат ташкил этишга эътибор берилмаяпти, шу сабабли ҳам улар қўшни Куйбишев номли совхоз ошхонасига бориб тушлик қилиб келишади.

Бригада ишчилари билан суҳбатлашганимизда шу нарса маълум бўлдики, бу ерга дала ишлари бошланганидан бери на биронта агитатор, на биронта пропагандист келган.

Бундай ачинарли аҳвол П. Мирзақулов бошчилик қилаётган боғдорчилик бригадаси дала шийпонида ҳам содир бўлмоқда. Айни тушлик пайтида дала шийпонида ҳеч кимни уй-жой топширдилар. Улар партия конференцияси ўтадиган йилда 96 квартирали кўп қаватли уйни барвақт топшириш, иккита посёлка барпо этиш ва бошқа объектларни тез қўлдан чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Куни кеча шаҳарда янги маиший хизмат комбинати ҳам фойдаланишга топширилди.

Х. ЭШМУРОДОВ.

— Ўзим ҳам билмайман, лекин ҳақ беришади...

— Ҳозир бекор экансиз, ҳеч бўлмаса бирор самовар топиб, чой қайнатиб турсангиз, ишчилар чойни шу ерда ичишармиди?

— Қайдам? Ичимлик сувни машинада онда-сонда олиб келишади. Иссиқ овқат йўқ. Шунинг учун ишчилар тушликда баъзан уйларига, баъзан қўшни совхоз ошхонасига боришади.

Хўжаликнинг Турсунбой Эсонов бошлиқ картошкачилик бригадаси дала шийпонида аҳвол бундан ҳам ачинарли. Шип-шийдон шийпонда ишчиларнинг дам олиши учун шароит йўқ. Ваҳолонки, совхоз партия ташкилотининг секретари Р. Ҳуснидинов бу ҳақда бизга мақтаниб гапирганди:

— Совхозимизда ишчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун учта типовой дала шийпони намунали ишлаб турибди. Уларда барча зарур шароитлар муҳайё. Вақти-вақти билан жамоатчи агитатор ва пропагандистлар келиб, турли мавзуларда суҳбатлар, лекциялар ўтказиб туришади.

Биз партком секретарининг гапларига ишонган эдик. Афсуски, ёлғон экан.

Район партия, совет ташкилотлари бунга нима дейишаркин?

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ РОНАЛЬД У. РЕЙГАННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ Америка Қўшма Штатларининг Президенти Рональд У. Рейган совет раҳбариятининг таклифига биноан 1988 йилнинг 29 майдан 2 июнигача расмий визит билан СССРда бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Р. Ҳ. ШОДИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисод фанини ривожлантиришга, раҳбар кадрлар тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун Тошкент олий партия мактаби сиёсий иқтисод кафедрасининг раҳбари ўртоқ Рустам Ҳамидович Шодиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 21 май.

• *ТАНИШИНГ: XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ*

БЕОРОМ ҚАЛБ

Ўн кунлик иш якунига кўра Валида Мусаева социалистик мусобақа ғолиби бўлди. У сигирлардан ҳаммадан кўп сут соғиб рекорд қўйди. Валида шарафига Қизил байроқ кўтарилди.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут-товар фермасининг сут соғувчиси Валида Мусаева ҳаётида бундай ҳаяжонли воқеалар кўп бўлган. Эсида, бундан салкам 30 йил аввал фермага янги ишга келиб, илғор сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳикоятхон Абдуллаевага шогирд тушганида даставвал ўзига биркитилган 12 бош соғин сигирдан ферма бўйича энг кўп сут соғиб олиб, рекорд қўйганди. У вақтларда сигирлар қўлда соғиларди. Кейинчалик фермага «Тандем» аппаратлари келтирилганда дугоналари орасида биринчи бўлиб янги усулда сут соғишни ўрганди. Бироқ шундан кейин ҳам фермада илғорликни қўлдан бергани йўқ. Ҳар бир йил унинг учун янги-янги қувончли воқеалар келтирди.

1972 йилда Валида Мусаева КПСС аъзолигига қабул қилинди. Коммунист деган шарафли ном унинг зиммасига юксак масъулият юклашини дилдан ҳис қилиб, янада астойдил ишлай бошлади.

Унинг маҳорати, тажрибаси тобора орта бориб, сигирларнинг ҳар биридан йиллига 3500—3700 килограммдан сут соғиб оладиган бўлди. Лекин бу унинг учун чегара эмасди. Зеро, беором қалби, коммунист виждони уни янада юксак марраларни эгаллашга ундарди.

Кейинчалик Валидага ишонч билдиришиб, кам маҳсул сигирларни беришди. Бу группадаги 25 бош сигирдан кунига атиги 150 килограмм сут соғиб олинарди, холос. Ҳатто 2—2,5 килограммдан сут берадиган қари сигирлар ҳам бор эди. Валида келажакни кўзлаб иш юритди. Қора-ола зотли ғунажинларни олиб парваришлай бошлади. Қилган меҳнати зое кетмади — яна юқори кўрсаткичларга эришабошлади. У мана шундай тиришқоқлиги, меҳнатдаги ютуқлари туфайли III даражали «Меҳнат Шуҳрати» орденига сазовор бўлди.

Бундан ўн уч йил муқаддам Валида Мусаева ўз бақимидаги говмушларнинг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб олиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиблар сафида тилга олинди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Фахрий дипломига сазовор бўлди. Унинг номи Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Орадан ўн йил ўтгач эса унга II даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени топширилиб, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони берилди. 1981 йилда эса КПСС XXVI съездида делегат сифатида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Айни кунларда фермадаги кўпчилик соғувчилар ҳам Валида изидан бориб юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Фермада меҳнатни ташкил этиш, рағбатлантиришнинг янги усуллари, одамларнинг ташаббус ва мустақиллигини ривожлантириш туфайли шундай бўляпти. Эндиликда сут етиштиришни кўпайтиришга фақат чорва туёғини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришиляпти.

Валида Мусаева ҳамиша пешқадам. Ҳозир у ўз бақимидаги баъзи сигирлардан кунига ҳатто 30 килограммга етказиб маҳсулот оляпти. Бу ютуқлар ишга ижодий ёндашишнинг, севимли касбга бўлган садоқатнинг, доимий изланиш-ўрганишнинг самарасидир.

...Биз куни-кеча хўжалик сут-товар фермасига борганимизда яна бир қувончли воқеа устидан чиқдик. Ҳамкасблари Валида Мусаевани XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегат қилиб сайланганлиги билан қутлашаётган экан.

Илғор чорвадор ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини ҳам яхши бошлди. Валиданинг шогирдлари Гулсара Ўрмонова, Комила Ҳолиқова, Мавлуда Муҳсимовалар ҳам устоз изидан бориб, астойдил меҳнат қилишяпти. Улар Германия Демократик Республикасидан келтирилган зотли сигирларни меҳр билан парваришлаб, мўл ва сифатли маҳсулот олмоқдалар. Чорвадорларнинг кўпчилиги XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишган.

— Ўтган тўрт ойлик топшириқларни муддатидан илгари ортиғи билан бажардик, — дейди Валида Мусаева. — Топшириққа қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрладик. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўляпти. Шахсан ўзим ҳар ойда 300 сўмдан ошириб маош оляпман. Ниятим — бу йил боқимимдаги ҳар бош сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олишдир.

А. МАННОПОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг сессияси

НУКУС, 20 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бўлди. Депутатлар автоном республика халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемасини муҳокама қилдилар. «Қорақалпоғистон АССР давлат ҳаёти муҳим масалаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида» Қорақалпоғистон АССР Қонуни қабул қилинди, миллатлараро муносабатлар ва интернационал руҳда тарбиялаш масалалари комиссияси тузилди.

Депутатлар социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида автоном республика Министрлар Советининг ахборотини тингладилар.

Сессияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов нутқ сўзлади.

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

АНДИЖОН, 21 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Андижон область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари КПСС XXVII съездининг талаблари асосида капитал қурилишни планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, социалистик мулк сақланишини таъминлаш борасида маҳаллий Советларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар область Советининг бундан олдинги сессияларида айтилган танқидий мулоҳазалар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ижроия комитет берган ахборотни тингладилар.

* * *

БУХОРО. 21 май. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Бухоро область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари область маҳаллий Советларининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Уй-жой программасини бажариш, шаҳар ва қишлоқларни комплекс қуриш, оммавий қурилишда архитектура сифатини ошириш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири М. С. Усмонхўжаев ўзининг депутатлик ваколатлари ва хизмат вазифаларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

* * *

ТЕРМИЗ. 21 май (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида халқ контроли область комитети билан область халқ маориф ва маданият кенгаши доимий комиссиясининг иши тўғрисида берилган ҳисоботлар муҳокама қилинди.

Бундан олдинги сессияда депутатлар айтган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан камчиликларни тугатиш борасида область ижроия комитети кўрган чоратадбирлар тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

• *Сафар таассуротлари*

ЯНГИ ХИТОЙ

ПЕКИНДА, Гузанчжоу ва Шеньчжень вилоятларида биз учрашишга тўғри келган одамларнинг ҳаммаси ўз мамлакатларини худди шундай деб аташди. Апрель ойида Хитой Халқ Республикасида бўлган бизнинг делегациямиз бу сўзларнинг адолатли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва Хитойда кейинги йилларда рўй берган ғоят эътиборга сазовор силжишлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Хитой ва совет экономикаси ўртасидаги фарқ, шубҳасиз, жуда катта, лекин мамлакатда 1979 йилда бошланган иқтисодий ислоҳот тажрибаси биз учун қизиқарлидир.

Изчил амалга оширилган аграр ислоҳот ёрдамида Хитой раҳбарияти мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда ўтмишда рўй берган оғир негатив тенденцияларни ижобий томон буриб юборишга муваффақ бўлди.

«Ислоҳот арафасида биз иқтисодий ҳалокат чегарасига келиб қолган эдик, — дейишди бизнинг кўпгина суҳбатдошларимиз. — Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийимкечак билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ўткирлашиб кетди. Ана шундай шароитларда туб ўзгаришлар қилиш биз учун жуда зарур бўлиб қолди».

Энг аввало, Хитойда халқ коммуналари ва ишлаб чиқариш бригадаларини шахсий пудрат системаси билан алмаштиришди. Мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мисли кўрилмаган суръатларда ўсди (1957—1978 йиллардаги 3 процент ўрнига йиллига 9 процентдан зиёд ўсишга эришилди). Ғалла йиғиштириб олиш 1980—1985 йилларда йиллига 20 миллион тонна кўпайиб, 390 миллион тонналик даражага етди. Пахта йиғиштириб олиш икки марта, гўшт етиштириш бир ярим марта кўпайди. Деҳқонларнинг даромадлари икки баравар ортди. Бозорни озиқ-овқат товарлари билан асосан тўлдиришга муваффақ бўлинди.

Хитой қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрсаткичлари қуйидагичадир: ялпи пахта толаси 1987 йилда 4 миллион 190 минг тоннани, мой берадиган ўсимликларнинг ялпи маҳсулдорлиги 15 миллион тоннадан зиёдни ташкил этди.

Чой, пилла етиштириш анча кўпайди, қорамол сони ва маҳсулдорлиги ўсди. Фақат сўнгги йилнинг ўзида гўшт етиштириш 17 процентга, сут — 10 процентга кўпайди.

1978 йилдан 1986 йилгача аҳолининг даромади жиддий равишда кўпайиши билан бирга аҳоли жон бошига йилига ғалла истеъмол қилиш 196 килограммдан 256 килограммгача, гўшт — 7,7 дан 14,3 килограммгача кўпайди. Экономиканинг социал ва тармоқ структурасида сифат ўзгаришлари рўй берди. 1986 йилда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг 68 процентдан кўпроғи давлат сектори корхоналари ҳиссасига тўғри келди, 1978 йилда эса бу кўрсаткич 80,2 процентни ташкил этган эди. Коллектив секторининг улуши 1986 йилда 29 процентдан зиёдни, шахсий секторники — 0,3, аралаш мулкчилик корхоналари улуши (чет эл капитали қатнашадиган объектларни ҳам қўшганда) қарийб 2 процентни ташкил этди.

Қишлоқда қисқа, рекорд муддатларда деҳқонлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг анча самаралари янги механизми шакллантирилди. Бу механизм схемаси бўйича ўзига хос уч ҳалқали система: деҳқонларнинг шахсий хўжалиги — кооператив — давлатдан иборатдир. Бунда давлат асосий буюртмачи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харидори сифатида иш кўради. Барча ҳалқалар ўртасидаги алоқалар товар — пул асосларига қурилган. Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини планлаштирадики, ҳар бир деҳқон бундай маҳсулотни қатъий баҳоларда сотиши керак. Давлат эса бунинг эвазига деҳқонга қатъий баҳоларда зарур саноат моллари (ўғит, ёқилғи, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва бошқалар)ни таклиф этади.

Фақат 4 турдаги маҳсулот — пахта, ғалла, соя ва гўшт етиштириш учун давлат буюртмаси белгиланган.

Планлаштирилган ҳажмдан ортиқча равишда деҳқон етиштирган барча маҳсулот эркин бозорда сотилиши мумкин. Маҳсулотни сотиш вазифасини кўпинча деҳқонлар тўплаган взнослар ҳисобига иш кўрувчи кооператив ўз зиммасига олади.

Хитой қишлоқ хўжалигида 370 миллиондан ортиқ киши (оила аъзолари билан 850 миллионга яқинлашади) шуғулланади, деҳқонга ажратиб берилган ернинг ўртача катталиги — 0,5-0,8 гектардир: волость комитети билан тузиладиган ижара шартномасининг одатдаги муҳлати 20 дан 50 йилгачадир (илгари 15 йил эди), деҳқон оиласи эса 3-4 кишидан иборат. Ер оиладаги истеъмолчилар ва ишлайдиганлар сонини ҳисобга олиб ажратилади, шунинг учун айрим катта оилаларга 4 гектаргача ер ажратиб берилади.

Харид нархларини ўзгартириш практикаси кенгайтириб оладилар.

Қишлоқда ҳозир ишлаб турган кооперативларнинг қарийб ҳаммаси давлатнинг минимал ёрдамида деҳқонларнинг ўзлари томонидан ташкил этилган. Деҳқонларнинг ўзлари ўз-ўзини таъминлашни ташкил этиш учун зарур формаларни излаб топишлари мақсадида шундай сиёсат қўлланилган. Ўтмишда юқоридан кўрсатма билан тузилган кооперациялар қуйидан ташаббус кўрсатиб тузилган кооперацияларга нисбатан самарасиз бўлиб чиққан.

Аграр ислоҳот амалга оширилиши натижасида эришилган муқаррар муваффақиятлар билан бирга анчагина муаммолар ҳам юзага келган. Ўғит, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар етишмаслигининг ўткирлашуви, деҳқонлар орасида иқтисодий табақаланишнинг кучайиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиши шулар жумласидандир. Хитой қишлоқларида қўлланилаётган қишлоқ хўжалик техникаси ва ўғитларнинг миқдори бир неча марта ўсганлигига қарамай, улардан фойдаланиш самарадорлиги ниҳоятда паст. Бу ресурслар регионлар ва хўжаликлар бўйича нотекис тақсимланган, бундан ташқари қишлоқ аҳолисининг анчагина қисми (учдан бирга яқини) саводсиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари етишмайди. Ерга ишлов бериш усуллари ибтидоий бўлиб, ерга ҳеч нима сарфламай туриб ундан ҳосил олишга уринишади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш учун давлат бундай маҳсулотларга бўлган баҳони анча кўтарди. Эркин бозор ролини ошириш билан уйғунлаштирганда бу тадбир озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархини анча ўстиришга олиб келди. 1979 йилдан 1983 йилгача қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг харид нархлари қарийб бир ярим марта оширилди, чакана нархлар эса 30 процентдан зиёд кўпайди.

Хитойлик ўртоқлар билан қилган суҳбатлардан ва Хитой Коммунистик партияси партия ҳужжатлари билан танишишдан шундай хулосага келиндики, мамлакатда энг камида яқин беш йил мобайнида кооперативларни кенг жорий қилиш ва ажратиб берилган ердан кам ҳосил олаётган деҳқонлар ери ҳисобига илғор деҳқон хўжаликларини йириклаштиришга зўр бериш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили ХХРда қонун қабул қилинди. Шу қонунга мувофиқ давлат контракти шартларини сурункасига бажармаган деҳқон ажратиб берилган ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Хитой раҳбарияти ўсишнинг юқори кўрсаткичларини тасдиқлаб, ҳозир мамлакат қишлоқ хўжалиги олдига хийла жиддий вазифаларни қўймоқда. 1990 йилгача қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг ўртача йиллик суръатлари 6 процентни ташкил этиши керак, ғалла ҳосилдорлигини қарийб 500 миллион тоннага етказиш планлаштирилмоқда. Шунга кўра қишлоқда хусусий ташаббускорлик ролини ошириш ва маҳсулотни бозорда сотишга мўлжаллашни кучайтириш, аграр-саноат-савдо фирмалари ташкил этиш, оилавий пудрат системаси масъулиятини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини марказлаштирилган тарзда харид қилиш системасини такомиллаштиришга қаратилган йўл давом эттирилади. Хитойда бундай йўл энг жиддий муаммомни — 100 миллион гектар умумий экин майдонига эга бўлган шароитда (бир кишига 0,10 гектар тўғри келади) 1 миллиарддан ортиқ кишини боқиш масаласини ҳал этиш имконини беради, деб ҳисобламоқдалар.

Кейинги вақтларда Хитойдаги министрликларнинг функциялари ўзгармоқда. Пекинлик ҳамсуҳбатларимиздан бирининг айтишича, янги шароитларда министрликлар «корхоналарни оператив бошқаришдан воз кечишга ва илмий-техника ҳамда ўз тармоқларининг бозор стратегияси штаблари бўлишга даъват этилгандирлар». Ана шу мақсад сари боришда корхоналар аста-секин министрликлар назорати остидан чиқа борадилар, министрликларнинг миқдори ва аппарати қисқаради. 80-йиллар мобайнида марказий министрликларнинг ярми тугатилди, бу иш ҳозир давом эттирилмоқда. Давлат кенгаши ҳузуридаги министрликлар (алоҳида шарт-шароитларга эга бўлган озгинагина идоралар ва тармоқларни истисно қилганда) бундан буён корхоналарни бевосита бошқариш билан шуғулланмайдилар. Бошқаришнинг ҳаммаси жойларнинг ўзида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир корхонанинг плани учта кўрсаткични — ассортимент ҳисобга олинган ишлаб чиқариш ҳажми, контракт ва шартномаларни бажариш ҳамда фойдани ўз ичига олади. Маҳаллий шароитларга қараб фойдадан 30 дан то 40 процентгача солиқ олинади. Пландан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммасини эркин бозорда сотиш мумкин.

Яқинда Хитойда давлат корхоналари тўғрисидаги Қонун амал қила бошлади. Эндиликда корхоналарга барча хўжалик масалаларида кенг мустақиллик берилган, корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари, шартномавий мажбуриятлар нормаси, рақобат қоидалари ва бошқалар белгиланган.

Эндиликда корхоналар меҳнат ресурсларидан моҳирона фойдаланиш борасида эркин ҳаракат қилиш учун катта имкониятларга эга бўлдилар. «Директорлик масъулияти системаси» деб аталмиш тадбирнинг корхоналарда жорий этилиши ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Директорлик масъулияти системаси амалда корхона раҳбарини ёлланган хизматчидан ўз корхонаси фаолияти натижалари учун тўғридан тўғри жавоб берадиган шахсга айлантириш, деган маънони билдиради. Моддий жавобгарлик авваламбор директор маошининг корхона фойдаси ва муваффақиятларининг ўсиши ёки пасайишига «боғлаб» қўйилганлигида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, директорлик лавозимига номзоддан пул гарови (масалан, 10 та ойлик маоши ҳажмида) талаб қилиниши мумкин. Директор ишчилар коллективи йиғилишида сайланади. Унинг бу лавозимда ишлаш муддати тўрт — беш йилни ташкил этади, агар корхона зарар келтирадиган бўлса бу муҳлат қисқартирилиши ҳам мумкин. Фойда бир йилда бир процент ўсганлиги учун директор ўз ойлигига 5 процент қўшимча ҳақ олади. Агар корхона фойдаси 10 процентга камаядиган бўлса, директорнинг маоши учдан бирига кесиб ташланади, борди-ю фойда 10 процентдан ортиқ камайиб кетса, директорни лавозимидан олиб ташлашади. Зарар келтирадиган корхона ва ташкилотлар «ким ошди»га қўйиб сотилади.

ПАРТИЯ ташкилотининг роли тўғрисидаги масала ниҳоятда мураккабдир. Агар 1979 йилдаги ислоҳот бошлангунига қадар партия ташкилотлари корхоналарда раҳбарлик ролини ўйнаб, хўжалик раҳбарларидан устун турган бўлсалар, 80-йилларга келиб бошқаришда партия ташкилотларининг роли аста-секин пасая борди, партия эса тобора кўпроқ идеология ва кадрлар муаммолари билан шуғуллана бошлади.

Саноат корхоналари директорларини сайлаш практикаси эътиборга моликдир: овоз бериш яширин ҳолда бўлади, бунда номзодларни кўрсатмайдилар, балки овоз берадиганларнинг ўзи номзодни бюллетенга ёзиб қўяди. Бюллетенларда номзодлар энг кўп тилга олинган киши сайловлар натижасида директор бўлади. Сайланган директор ўз ҳоҳиши бўйича бошқарув аппаратини шакллантиради. У одамларни энг аввало ишчанлик сифатларига қараб танлашдан манфаатдордир. Чунки орадан учтўрт йил ўтгач, директор ва унинг «командаси»ни қайтадан сайлашади ва шунда уларнинг фаолиятига корхона фаолиятининг иқтисодий натижаларига қараб баҳо берилади, чунки ишчиларнинг маоши тўғридан тўғри ана шу натижаларга боғлиқдир.

Корхона ичида ҳамма ишчилар ҳам ўрганиб қолинган текисчиликни бартараф этадиган ва энг қобилиятли, меҳнатсевар ҳамкасблари даромадларининг кескин ўсиб кетишига олиб келадиган ҳақ тўлаш системасини қабул қилишга тайёр эмасликлари билан боғлиқ бўлган кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиб туради.

«Очиқ эшиклар сиёсати» принципи Хитой иқтисодий ислоҳотининг ҳал қилувчи принципларидир. Бу соҳадаги туб ислоҳотлар Хитойда чет эл капитали иштирокида компаниялар ташкил этиш билан боғлиқдир.

Чет эл капитали жалб қилинар экан, Хитойда тўртта асосий мақсад кўзланади: биринчидан, мамлакат саноатининг илмий-техника даражасини кўтариш; иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг прогрессив методларини ўзлаштириб олиш; учинчидан, валютанинг келиб туришини ўстириш; тўртинчидан, ҳалқаро иқтисодий ҳаётдаги воқиф бўлиб туришга янада кенгроқ йўл очиш.

1979 йилдан бери «Очиқ эшиклар сиёсати» чет эл капиталини жалб қилган ҳолда 8 мингга яқин компания ташкил этиш имконини берди. Шулардан 2 процентга тўлалигича чет элликларга қарашлидир. ХХРда чет эл инвестициясининг умумий ҳажми 31 миллиард долларни ташкил этади, шу жумладан бу суммининг 8 миллиарди тўғридан тўғри капитал сарфлар ҳисобланади. Чет эл капиталининг етакчи вакиллари орасида АҚШ, Япония, Австралия, ГФР, Жанубий Шарқий-Осиё мамлакатлари бор. Сарфланган капиталларнинг 70 процентдан ортиқроғи хитой миллатига мансуб бўлган чет элликларга тегишлидир.

Аралаш ва чет эл компанияларининг асосий кўпчилиги махсус иқтисодий зоналар ва «очиқ шаҳарлар»да иш кўради.

Шеньчжень иқтисодий зонасининг маъмурияти вакиллари кўпгина муваффақиятлар ҳақида гапириш билан бирга суҳбатларимизда уларнинг зонасида ва умуман Хитойда «очиқ эшиклар сиёсати»ни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган жиддий қийинчиликлар тўғрисида рўй-рост гапирдилар. Чет эллик шерикларнинг Хитойга чет эл техникаси ва технологиясини олиб келишни хоҳламасликлари ана шундай қийинчиликлар жумласига киради. Бу бир томондан, ғарбий корпорацияларнинг Хитойда маънавий эскирган ускуналарни «жойлаштириш»га бўлган табиий интилишлари билан изоҳланса, иккинчи томондан — бу жаҳон бозорида Хитойнинг қудратли рақобатчига айланишидан уларнинг қўрқишларини кўрсатади.

Аҳоли даромадларининг табақалашувининг кучайиши, иқтисодий жиноятчилик кўпаяётгани, инфляциянинг ўсаётгани ва Ғарбнинг ғоявий таъсири кучаяётгани Хитой раҳбариятини безовта қилмоқда.

Ислоҳот йилларида Хитойда турмуш даражаси бир мунча ўсди (реал ҳисоб-китоблар бўйича бир ярим-икки марта). Бироқ бу ўсиш бир хилда бўлмади. Деҳқонлар, ҳар хил кооператив корхоналари ва хусусий хўжайинлар ислоҳотдан кўпроқ манфаатдор бўлдилар. Ишчилар ва давлат секторининг ҳизматчилари, пенсионерлар, студентлар ва бошқалар бу ислоҳотдан кам наф кўрдилар. Моддий рағбатлантириш системасидаги ўзгаришлар натижасида бир хил касбдаги группаларнинг ичида даромадлардаги фарқлар кўпая бошлади. Текисчилик ўрнига сарфланган меҳнатнинг сифати ва миқдорини ҳисобга олиб, меҳнатга ҳақ тўлаш жорий қилинди.

Бироқ кўплаб Хитой меҳнаткашлари яхши ишчи ёмон ишлайдиган ишчига нисбатан кўпроқ даромад олиши мумкин бўлган янги, янада рақобатли шароитларни қабул қилишга тайёр эмас бўлиб чиқдилар.

Ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган энг мураккаб социал ва сиёсий муаммолардан бири бюрократизмни бартараф этиш муаммосидир.

Ўн йиллар давомида Мао таъсирида шаклланган ва бунинг устига эски жамиятнинг кучли таъсиридан қутула олмаган Хитой кадрлар номенклатурасининг анчагина қисми иқтисодий ислоҳотни чўчиброқ қарши олди.

Қаттиқ марказлаштириш, экономикани буйруқ билан бошқариш, демократия талабларини рад этиш ва маочилар ғояларига кўр-кўрона эргашишдан иборат ўрганиш бўлиб қолган принциплар янги ислоҳотнинг прагматик принципларига кескин қарама-қарши келиб қолди. Бунинг устига кўпгина кекса ходимлар янги ислоҳот принципларини амалга оширишда ўзларининг шахсий ҳокимияти ва моддий фаровонлигига сезиларли хавф туғдиришини кўрдилар.

Сўнгги вақтда Хитойда мансабларни эгаллаш учун максимал ёш нормалари жорий қилинди. Масалан, министр учун 65 ёш, унинг ўринбосарлари учун 60 ёш, вилоят даражасидаги раҳбарлар учун 50 ёш норма қилиб белгиланди. «Кадр ходимлар бир умр кадр ходимлар бўлиб қолишлари шарт эмас» деган шиор амал қила бошлади.

Юқорида айтилган тадбирлар муайян натижалар бермоқда. Жумладан вилоят раҳбарларининг ўртача ёшини 7 йилга, хўжалик раҳбарлари ёшини 5 йилга пасайтиришга муваффақ бўлинди.

Ислоҳот жуда катта инсон потенциалини бўшатиб берди. Буюк халқнинг ҳали яқиндагина кети кўринмайдиган сиёсий кампанияларга ўйламай-нетмай сарфлаб келинган куч-қуввати ҳозир фойдали оқимга — иқтисодий ва маданий қурилишга йўналтирилган.

И. ЖЎРАБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси.

● БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВЛАРДА

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Китоб шаҳридаги халқ истеъмоли буюмлари фабрикасининг меҳнатсевар коллективи шу кунларда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига бошланган социалистик мусобақага фаол қўшилиб, кундалик ва ойлик топшириқларини ҳар доим ошириб адо этмоқда. Фабрика ишчилари квартал топшириғини муддатидан олдин адо этиб, пландан ташқари 30 минг сўмликдан ортиқроқ маҳсулот тайёрладилар ва истеъмолчиларга етказиб бердилар.

Корхона коллективи ўтган йили ҳам ғоятда баракали меҳнат қилган эди. Истеъмолчиларга 2 минг сўмдан ортиқроқ маҳсулот етказиб бериб, меҳнаткашларни ғоятда хушнуд этган эди. Пландан ташқари 200 минг сўмлик буюм тайёрланди. Йилнинг якунига кўра, корхона коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ҳамда республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Фабрика ишчилари меҳнатига берилган бу юксак баҳо ишчиларни янгидан-янги марраларни эгаллашга отлантирди.

Суратда: фабриканинг тажрибали ишчиси, ёшларнинг меҳрибон мураббияси Зулайҳо Жабборова (ўртада) ўз шогирдлари орасида.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ).

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ҲУЖУМ СУСАЙТИРИЛМАСИН

КПСС Марказий Комитети ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон тайёрлашни тугатиш чоралари тўғрисида қарор қабул қилгандан буён орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг бошланғич ташкилотлари сўнгги йилларда республиканинг автомобиль ва темир йўл транспорти корхоналари меҳнат коллективларида бу соҳада қандай ишларни амалга оширди?

Ўзбекистон ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамиятининг 20 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда гап борди. Жамият активлари касаба союз ташкилотлари билан биргаликда транспорт тармоғи коллективларида алкоголизмга қарши пропаганда, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан муайян ишларни бажарганликлари таъкидланди. Шу билан бирга, ана шу фаолиятнинг самараси ҳали жуда кам. Ишлаб чиқаришда авариялларга, жароҳатланишга, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келаётган ичкиликбозлик ҳоллари камаймаяпти. Пленум қатнашчилари мавжуд камчиликларни бартараф этишга, жамият бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгиладилар.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов иш билан ғоят бандлиги туфайли шахсий илтимосига кўра Ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамияти кенгашининг раиси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. А. Асқаров жамият республика кенгашининг раиси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Жиноятчилик йўлига мустаҳкам ғов

20 май куни Тошкентда ўтказилган семинар-кенгашда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибини, республика меҳнаткашларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш, бу ишни идеологик жиҳатдан самарали таъминлашга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг сиёсий ходимлари, шу министрлик хизматлари ва бўлинмалари партия-комсомол активларининг вакиллари қатнашдилар. Улар мамлакат Ички ишлар министрлиги системасидаги сиёсий органлар тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тасдиқлаган янги низомдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Дунё воқеалари

РЕЙГАННИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДА БЎЛАЖАК УЧРАШУВ ҲАҚИДА ҒАРБ ЖУРНАЛИСТЛАРИГА АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, Президент Р. Рейган ғарб мамлакатларининг бир қанча мухбирлари билан суҳбатлашди, улар олий даражада Москвада бўлажак Совет—Америка учрашувини Вашингтон нуқтаи назаридан таърифлаб беришни илтимос қилган эдилар.

Маъмурият бошлиғига қуйидаги савол ҳам берилди: АҚШнинг ҳозирги маъмурияти ҳокимият тепасида турган даврда СССР билан АҚШ ўртасида стратегик қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида битим имзоланишини кутиш реалми? Рейган мазкур саволга жавоб берар экан, шу битимни ишлаб чиқиш соҳасидаги иш авж олиб кетганлигини, аммо бу шартномага эришиш бундан илгари олий даражада Вашингтонда бўлган учрашувда имзоланган ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқишга қараганда бирмунча мураккаб эканлигини айтди. Мабодо олий даражадаги учрашув бошланғунга қадар стратегик қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги шартнома ишлаб чиқилмай қолса, бўлажак учрашув вақтида бу ишни давом эттирамиз. Аммо назаримда, ҳозирги маъмуриятнинг ҳокимият тепасида бўлиш даврида ана шундай шартномага эришиш мумкин деб ўйлайман, деб таъкидлади президент.

Айни вақтда Оқ уй бошлиғи пентагон амалга ошираётган «Самовий урушлар» программасини яна ҳимоя қилиб чиқди, бу программа стратегик ҳужум қуроллари ва ракета ҳужумидан мудофаа комплекс битимларига эришиш йўлида тўғаноқ бўлиб турибди. Президент бундай деди: «Агар бизнинг қўлимизда ана шундай қурол, мудофаа қуроли бўлганида эди, мен ҳужум ракеталарини йўқотиб юборишга қарши бўлмас эдим». Аммо ракеталар йўқотиб юбориладиган бўлса, бу система нима учун керак, деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб тан олди сўнгра президент. Аммо у, ҳар қалай бу саволга ишонарли жавоб бермади.

Рейган қурол-яроғлар устидан назорат истиқболига умидворлик билан баҳо бераётганлигини айтди. «Ядро урушида ғолиблар бўлмайди ва бундай урушни бошлаш мумкин эмас, шуни тан олишимиз керак, деб ўйлайман», — деди президент. Шундай можарога бош қўшадиган бўлсангиз, мамлакат радиация билан заҳарланар ва одамлар бошпанасиз қолар экан, сиз ғолибни эълон қила олмайсиз. Мабодо биз ҳозир ихтиёримизда бўлган қуролни қўллай бошласак, худди шундай бўлади. Шуни тушуниб олиш ядро қуролини қисқартириш соҳасида бирмунча муваффақиятга эришишимизга имкон берди.

(ТАСС).

Учиш 7 июнга белгиланди

«Звездний» шаҳарчаси (Москва области) 20 май. ТАСС мухбири). Иккинчи Совет — Болгария космик учиши бошланишига бор-йўғи икки ҳафта қолди. «Союз — ТМ-5» кемаси ҳисоблаб қўйилган вақт, яъни 7 июнь куни Москва вақти билан соат 18 дан 05 минут ўтганда учирилади. Космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари, авиация генерал-майори А. Леонов журналистларга шуларни маълум қилди. У яқин кунларда Бойқўнғир космодромига жўнаб кетиб, старт олди тайёргарлигига киришадиган экипажларни таништирди.

Биринчи экипажга командир — подполковник Анатолий Соловьев, бортинженер — СССР космонавт-учувчиси Виктор Савиних, космонавт-тадқиқотчи — БХР граждани, майор Александр Александров кирадилар. У 1979 йилда Георгий Ивановнинг дублери бўлган эди. Иккинчи экипажга СССР космонавт-учувчиси, полковник Владимир Ляхов бошчилик қилмоқда, бортинженер — СССР космонавт-учувчиси Александр Серебров, космонавт-тадқиқотчи — катта лейтенант Красимир Стояновдир.

«Мир» станциясига ўн кунлик экспедиция чоғида Совет-Болгария экипажи ерни узоқ масофадан туриб зонд билан текшириш, материалшунослик, медицина, астрофизика соҳасида 40 та эксперимент ўтказади.

УЙДА, ОИЛА ДАВРАСИДА

Муҳаммадали Деҳқоналиевнинг қувончи чексиз. У она-юрт заминига қадам қўйди. Муҳаммадали Афғонистон Демократик Республикасида интернационал бурчини адо этиб, Тошкентга, оила даврасига қайтиб келди. Солдатни уйида отаси — «Компрессор» заводи токари Йўлдош ака, онаси Роҳатой, опалари — Доно, Нодира ва укаси Баҳодир шоду-ҳуррамлик билан қарши олдилар.

М. Деҳқоналиев Совет Армияси сафига отлангунга қадар, электрик бўлиб ишлар ва электромеханика техникумида сиртдан ўқирди.

Суратда: Муҳаммадали оила даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ДАВР ДАЪВАТИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалининг ташаббускори, мезбони совет кинематографиясидир. Хўш, у навбатдаги учрашувни — X кинофестивални қандай кутиб олмоқда?

Ҳозир қайта қуришнинг покланиш жараёни шабадасидан енгил нафас олмаётган киши топилмаса керак. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми, СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорлари совет киносида туб бурилиш ясашга, унинг бутун диққат-эътиборини замондошларимизни тўлқинлантириб келаётган, етилган муаммоларга қаратишга катта туртки бўлди.

Қайта қуриш даври ҳозирги замон кино жараёни характерига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Санъаткорларнинг маҳорат савияси ошяпти, янги мавзуларга дадиллик билан қўл урилмоқда. Бир пайтлар яратилган, аммо кино экранларига йўл ололмаган фильмлар эндиликда кўпчилик мулкига айланяпти. «Ўлик кишининг мактуби», «Плюмбум» киноленталари танқидчилар ва томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. «Тавба-тазарру», «Ёш бўлиш осонми?» сингари картиналар воқеа сифатида эътироф этилиб, турли баобрў киноанжуманларнинг совринлари билан тақдирланди. Булар, шубҳасиз, кинематографиямизнинг умумий муҳитига ижобий таъсир ўтказиб, экран санъаткорларини ижтимоий жиҳатдан муҳим, актуал мавзуларга янада активроқ қўл уришга, тинимсиз изланишга даъват этяпти. Ҳужжатли кинода ҳам қувонарли ўзгаришлар рўй бераётир. Бу борада «Таваккал», «Тундра хоними», «Алвасти. Кекса кишининг тавбаси» каби лентаналарни эслашнинг ўзи кифоя.

Кинематографияга раҳбарлик услуби ҳам ўзгаряпти. Мамлакат киностудиялари СССР Кинематография давлат комитетининг маъмурий-буйруқбозлик раҳбарлигидан халос бўла бориб, ишни ҳўжалик ҳисобида олиб боришнинг янги моделига ўтмоқда. Масалан, «Мосфильм», Горький номли, «Ленфильм» киностудияларида сайлаш йўли билан қайта ташкил этилган ижодий уюшмаларга етакчи санъаткорлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Кино ишлаб чиқаришнинг саноат характерида эканлигини ҳисобга олиш даркор. Тематик планларни ишлаб чиқиш, турли ижодий лойиҳаларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ мураккаб ва масъулиятли ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шу боис масъулиятнинг асосий оғирлиги СССР Кинематографчилар союзи, уюшмаларнинг раҳбарлари зиммасига тушади. Улар СССР Кинематография давлат комитети билан биргаликда аввалгидек совет кино санъати тараққиётининг умумий программасини шакллантиради.

Албатта, тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш оддий иш бўлмай, у кино ходимларидан барча куч ва ички имкониятларни сафарбар этишни талаб қилади. Шу боис планларимизни экономика нуқтаи назаридан жуда жиддийлик билан қараб чиқиш, аниқ ҳисобкитоб ишларини олиб бориш юзасидан катта ишларни бажариш лозим. Афсуски, студияларнинг кўплаб раҳбарлари ва кино ишлаб чиқаришнинг мутахассислари амалда бундай ишга кўникмаганлар. Чунки, бадиий жиҳатдан сифатсиз сценарийларни қабул қилиш, олдиндан яроқсиз бўлиши маълум бўлган кино асарларни экранга чиқариш ҳали давом этаётганлиги сир эмас. Бу асарлар кинопрокат зиммасида оғир юк бўлиб турибди. Унинг моддий-техника базасини яхшилаш керак.

Ижодий ўзгаришлар республикалар киностудияларида ҳам юз бермоқда. Кейинги йилларда мамлакат кино экранларига чиқарилган «Ёш бўлиш осонми», «Сўроқ», «Сузувчи» сингари картиналар олисда деб аталувчи студиялар, миллий кинематография имкониятлари тўғрисидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартирмоқда. Яқинда грузин режиссёри Тенгиз Абуладзе «Тавба-тазарру», «Илтижо», «Истак дарахти» фильмлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлди. Хуллас, иттифоқдош республикаларнинг кинематографчилари бугунги кунда Москва ва Ленинграднинг номдор кино усталари билан бемалол мусобақалаша оладилар.

Қардош республикалар кинематографчиларининг ижодий ҳамкорлиги, бир-бирига ёрдами ва бир-бирини бойитиши кенг кўлам касб этяпти. Мамлакатнинг асосий студиялари бўлган «Мосфильм», Горький номли студияларда Ўрта Осиё республикаларининг вакиллари — режиссёрлар Э. Ўрозбоев, Б. Мансуров, оператор Д. Фатҳуллинлар муваффақиятли ишламоқдалар. Яқинда ўзбек кинорежиссёри Али Ҳамроев «Мосфильм»да рус мавзуида «Истак боғи» лентасини яратди. Уни республикамизда катта қизиқиш билан кутиб олишди.

Ҳозирги босқич ўзбек киносининг ҳам қайта қуришда ўз ўрнини топиб олиш учун қизғин интилаётганлиги билан белгиланади. Ўтган бир-икки йил санъатимиз учун осон бўлгани йўқ. Бошқа кўпгина республикаларда бўлгани каби бизда ҳам қизғин баҳслар, шовқин-суронлар бўлди. Ўзаро бир-бирларини айблаш юз берди. Маданиятга маъмурий-буйруқбозлик усулида раҳбарлик қилиш катта салбий таъсир ўтказдики, у фақат ижодий фаолиятдагина эмас, балки, Кинематографчилар союзи ичидаги ўзаро муносабатлар системасига ҳам, шунингдек, миллий экран санъатини ривожлантириш масалалари атрофида рўй берган қизғин баҳсларга ҳам таъсир қилди. Шундай бўлса-да, ўтган даврда ҳам турли жанрларда, мавзу жиҳатидан хилма-хил бир қатор янги фильмлар дунёга келди.

«Ҳаёт мазмуни» (сценарий муаллифи Р. Фаталиев, режиссёр Д. Салимов), «Инқилоб ваколати билан» (сценарий муаллифлари Э. Вериго, Б. Тулин, З. Ройзман, режиссёр З. Ройзман), «Вельд» (сценарий муаллифи ва режиссёр Н. Тўлахўжаев), «Клиника» (сценарий муаллифи ва режиссёри Р. Маликов), «Тушкунлик алами», (сценарий муаллифи М. Розиқов, режиссёр С. Бобоев), «Қайта бошдан» (сценарий муаллифи А. Горохов, режиссёр Р. Ботиров) фильмлари ана шундай ишлардан. Улар профессионал жиҳатдан бир хилда эмас. Танланган материалга бадиий ёндошиш, мушоҳада этиш кўлами, яратувчиларнинг ҳаётий тажрибаси жиҳатдан ҳам турлича.

Ўз ғояларини рўёбга чиқаришни истовчи кинематографчилар катта мақсадларни кўзлаб иш тутмадилар, давр талаб-эҳтиёжларига жавоб беришни хоҳламадилар, деб бўлмайди. Масалан, «Клиника» фильми республикамиз соғлиқни сақлаш системасида мавжуд бўлган муаммоларни кўрсатишга бағишланган. Унинг бош қаҳрамони совет врачи, медицина ходими номига доғ туширувчи юлғичлар ва ишёқмасларга қарши курашади. «Тушкунлик алами»да тасвирланган воқеалар катта миқёсда бўлмайди. Аммо унда ўз ҳаётини муросасозликдан бошлаган истеъдодли киши тақдири ҳикоя қилинади. «Қайта бошдан» картинаси эса, ўзининг қимматли ғоясини амалга ошира олмаган конструкторнинг бошидан кечирган саргузаштларига бағишланган. Лекин мана шу дадил ўйлар экранда қай тарзда талқин этилган, қанчалик тўлақонли ва ҳаётий амалга ошганлигини кўрайлик.

Миллий фильмлар таҳлил этилаётганда, улардаги камчиликлар тилга олинаётганда, режиссёрларимиз нима учун ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаётганлиги сабаблари қидирилаётганда асосий нуқсон сифатида ўзбек кинодраматургияси сурункали қолоқликдан чиқолмаётганлиги кўрсатилади. Экранда кўтарилган муаммолар кўлами ва жиҳатлари қанчалик кенг кўламли бўлмасин, агар улардаги образлар аввал бошиданоқ заиф ва суст, шахслар сийқаси чиққан усулларда ишланган бўлса, экрандаги воқеаларга авторнинг аниқравшан муносабати сезилмаса — бундай фильм монтаж, камера ёрдамида қанчалик зўрайтирилишига, композицион усуллардан фойдаланиб безатилишига қарамай, барибир, муваффақиятсиз чиқади. Ўтган йилларда яратилган фильмлардаги нуқсонлар кўпроқ ана шундай сабаблар билан боғлиқдир.

Студияда сценарий сифати учун кураш олиб борилмаяпти, дейиш қийин. У ёки бу даражада муайян ютуқлар ҳам бор. «Вельд», «Инқилоб ваколати билан», «Ҳаёт мазмуни» фильмлари фикримизга далил бўла олади.

«Вельд» фильмининг сценарийсини постановкачи Н. Тўлахўжаевнинг ўзи Брэдбери асарлари асосида ёзган. Сюжетнинг асосий ўзагини ёзувчининг шу номдаги ҳикояси ташкил этади. Картинада адибнинг айрим бошқа асарларидан ҳам фойдаланилган. Бу фильм қандайдир маънода режиссёр ижодий тафаккурининг самарасидир. Гап бу ерда фильмда ўйлаб топилган, масалан, картинанинг поездга ҳужум қилаётган рицарлар билан бошланиши каби эпизодларда эмас. Бизнингча, ёзувчи асарларида тасвирланган муҳит ва образлар тўқимаси қайтадан мушоҳада этилган. Фильмнинг воқеалар занжирида ҳеч қандай фантастика йўқ. Кўз олдимизда маънавиятдан маҳрум бўлган жамиятни нималар кутиши мумкинлиги тўғрисидаги ижтимоий ҳикоят намоён бўлади. Экранда Майкл оиласи мисолида фан, цивилизация ютуқлари умумий таназзулга, ҳайвоний шафқатсизликка олиб бориши туфайли дунё вайрон бўлишининг даҳшатли манзараси тасвирланади. Муаллифнинг ижодий ўй-фикрлари долзарб масалага қаратилган. Постановкачи танлаган материал ҳозирги давр ривожининг йўлларини чуқур тушунишга интилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

«Инқилоб ваколати билан» кўп серияли телевизион фильмидаги воқеалар Туркистондаги гражданлар уруши кунларига бағишланган. Киноқисса марказида ажойиб ленинчи большевиклар: В. В. Куйбишев ва М. В. Фрунзе туради. Асар сюжетининг тез ривожланиб бориши, ўткир тўқнашувлар, воқеаларнинг ишонарлилиги киши диққатини ўзига жалб қилади. Асар жанр бўйича саргузаштли фильм. Шу боис муаллифлардан характерлар психологиясини чуқур очишни, улар образига жиддий кириб боришни, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати асосларини батафсил очишни талаб этиш инсофдан эмас. Энг муҳими, фильмда персонажлар тўғри жойлаштирилган, қаҳрамонлар актив ҳаракатда, доимий фаолиятда кўрсатилган. Картинада бутун эътибор сюжетнинг ривожланиб боришига, актёрлар ишига қаратилган. Нур ва соянинг бир-бирига зид омухтасидан бошланган фильм прологи айниқса, эсда қолади. Фильмда ажойиб ижрочилар ансамблини яратган режиссёр изларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

«Ўзбекфильм» киностудияси ёш, иқтидорли режиссёрлар ҳисобига бойиб бораётганлиги кишини хурсанд этади.

Лекин ёшларимизда экран санъатининг бой воситаларидан фойдаланишда мустақиллик ва дадиллик етишмаяпти. Драматик тафаккурдаги чайналган ечимлар ва схематизм остонасидан хатлаб ўтиш маҳорати кўзга ташланмаётир.

...Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг юксак дидига жавоб берувчи, ажойиб асарлар яратиш йўлига ўтиш осон эмаслигини кўрсатмоқда. Тўғри, аъло сифатли фильмлар кетма-кет яратилишига ишониб бўлмайди. Чунки, бу машаққатли меҳнат ва узоқ вақт талаб қиладиган ишдир. Аммо давр, жамиятни революцион қайта ўзгартириш совет кинематографчиларидан мана шу муҳим жараённга ўзларининг конкрет ҳиссаларини қўшишни талаб қилмоқда. Шу боис кино ходимлари ҳамма вақт партия олга сураётган талаблар даражасида бўлишлари, бурилиш даврига мос кўплаб фильмлар яратишлари, қаҳрамон замондошларимиз — совет кишиларининг тўлақонли образларини экранда муносиб гавдалантиришлари зарур.

Жўра ТЕШАБОЕВ,
санъатшунослик доктори.

Фотосурат ва ҳужжатларда

Тошкентда ўтказилган халқаро кинофестивалларнинг кўринишлари уч қитъа анжуманининг ўзига хос фотойилномасини ташкил этади. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида фотоҳужжатлар билан бирга республика киносанъати музейининг кўлгина экспонатлари ҳам қўйилган. Бу ерда очилган кўргазма 24 майда бошланадиган X Халқаро фестивалга бағишланган. У фестиваль иштирокчиларининг сони йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бунинг учун биринчи фестивалда 49 давлат вакиллари иштирок этганини, олдинги анжуманда эса Тошкентга жаҳонининг қарийб юз мамлакати намояндалари келганлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Экспозиция фестивалнинг аҳамияти, унинг миллий кинематографияларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ТАШҚИ БОЗОР ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Бухоро тўқимачилик комбинатининг бундан бир йил аввал ўтмас мол уйилиб ётган омборлари бўшаб қолди. Мамлакатимиздаги читга гул солиш фабрикалари олишдан бош тортган сурп Сингапурда ўтиб қолди.

— Маҳсулотнинг сифати бизга тўғри келади, — деди Сингапур «Меркурий» фирмасининг президенти Муҳаммад Асиф. — Келаси йили тўқимачилик хом ашёси ҳаридини бир ярим баробар кўпайтиришни режалаштирямиз.

Янги иқтисодий йўлга ўтиш туфайли корхона мустақилликкга эришди ва чет эл бозорига чиқиб олди. Бухоролик тўқимачилар Югославиянинг «Астра» фирмаси билан жуда яхши ҳамкорлик қилмоқдалар. У ёққа 3,5 миллион метрдан зиёд газлама, асосан ички кийим ва чойшаб тикиладиган газламалар юборилади. Чет эллардаги бошқа корхоналар ва фирмаларнинг вакиллари билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

— Чет эл фирмалари билан икки йиллик ҳамкорлигимиз туфайли молиявий аҳволимиз анча мустаҳкамланди, — дейди комбинат директорининг ўринбосари М. Алиев. — Банк ҳисобимизга анчагина валюта пули ўтказилди. Бу пулга читга гул босадиган машиналар ҳамда сочиқбоп газлама тайёрлайдиган машина-ускуналар харид этамиз.

(ЎзТАГ).

СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ТАБРИКЛАЙДИ

ДЕҲЛИ. Афғонистондан Совет қўшинлари чекланган қисмининг олиб чиқиб кетила бошланганлиги, Афғонистон Республикаси ҳукумати амалга ошираётган миллий яраш сиёсати иқтиқоллари — бугун Ҳиндистон пойтахтида бўлган «Женева битимлари: уларни амалга ошириш йўлидаги имкониятлар ва тўсиқлар» семинари ана шу мавзуга бағишланди.

«Халқлар ўртасида дўстлик учун кураш жамияти» ташаббусига кўра Деҳлидаги сиёсий клубларнинг бирида ўтказилган семинарга атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар, бир қанча мамлакатларнинг элчилари келдилар. Унда совет раҳбариятининг янгича сиёсий тафаккурига асосланган ташқи сиёсий йўли Женева битимларига эришишнинг мустаҳкам негизи бўлди, деган фикр янгради.

САН-ФРАНЦИСКО. Совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетила бошлаганлиги Афғонистон муаммоси ташқи жиҳатларини сиёсий йўл билан ҳал этишга доир Женева битимлари амалий ишга кўчирилганлигини билдиради, деди АҚШ тинчлик кенгашининг Сан-Францискодаги бўлими раҳбари Бадди Кларк. Янгича тафаккурнинг аниқ-равшан ифодасига айланган СССР амалий сиёсати олдида Қўшма Штатларнинг ҳаракатлари кескин фарқ қилади. Қўшма Штатлар Женева битимларининг кафолатчиси бўлса ҳам. Афғонистон ички ишларига аралашиш йўлини давом эттирмоқда, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. Кларкнинг айтишича, бундай сиёсат АҚШ маъмурияти дунёнинг турли районларида регионал можароларни авж олдириш йўлидан воз кечмоқчи эмаслигини яққол исботламоқда.

БРЮССЕЛЬ. «Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши янги совет раҳбарияти эълон қилган позициянинг конкретлаштирилиши бўлиб, бу позиция халқаро муаммоларни, шу жумладан регионал можароларни сиёсий воситалар билан ҳал қилишга асосланади», — деб ёзади Белгия Компартиясининг органи «Драпо руж» газетаси. СССРнинг бу қадами, деб таъкидлайди газета, мазкур мамлакатда сиёсий муаммоларни бартараф этиш афғонларинггина иши эканлигини яққол кўрсатади.

(ТАСС).

• *Мақоламизни ўқиб*

ИНЖЕНЕРЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНМОҒИ КЕРАК

Инженер. Бу ном техниканинг, технологиянинг турли соҳалари бўйича олий ўқув юртида таълим олган мутахассисларга берилади. Шу маънода газетанинг шу йил 14 майда босилган «Юқори малакали инженерлар керак, аммо...» сарлавҳали мақолада долзарб муаммолар ўртага ташланган. Муаллифлар таъкидлаган далилларни тўғрилик даври келтириб чиқарган, келажакнинг барча соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлашнинг асоси бўлмиш мактабнинг унутилганлиги оқибати деб билиш керак. Ҳақиқатан Тошкент политехника институтида абитуриентларнинг оддий масалани еча олмаслиги ёки қасрларга доир мисолларни ишлай олмаслиги фожиа эмасми!

Фикримизча, асосий ишни мактабдан бошламоқ керак. Мактаб ишини яхшиламай туриб олий маълумотли, сифатли кадрлар етиштириб бўлмайди. Мен доимо икки хил ишлаб чиқариш — моддий ва маънавий бойлик ҳақида ўйлайман. Булар бир-бирига жуда боғлиқ. Мактаб ўқувчиси бу икки нарсанинг том маъносига ега оладиган бўлиб тарбияланиши керак. Ҳозирги кунда моддий бойликларни илм-фансиз яратиш мумкин эмаслигини, бунинг учун мактабда ўқитилаётган математика, физика, механика каби фанларни чуқур ўзлаштириш лозимлигини ўқувчи яхши тушуниши керак. Ўқувчига моддий бойликни қарзга олиш мумкин, аммо маънавий бойликни бундай олиб бўлмаслигини, уни ўқиш ва ўқиш орқали қиши ўзига сингдириши мумкинлигини жонли мисолда кўрсата билиш даркор.

Ўқувчиларга фан асосида яратилган техника, технологияни объектларда кўрсатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Москвада политехника музейи бор. Унда ҳозирги замон фан-техникаси, ер ости бойликлари, уларни олиш усуллари, машина-агрегатларни яратиш, синаш йўллари жонли тасвирланган. Музейни кўрган ҳар бир ўқувчида техникага қизиқиш уйғониши шубҳасиз. Шундай музей филиаллари республика, область марказларида очилса кўнгилдагидек иш бўларди.

Шаҳримизда табиат ва соғлиқни сақлаш музейлари бор. Агар уларни янги бинога кўчириб, экспонатлари янгиланса мазкур музей ёшларга ҳаёт мазмунини тушунтирувчи, келажакни олға сурувчи кадрлар тайёрлаш ўчоғига айланади. Бу масалага Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан республика Маданият ва Соғлиқни сақлаш министрликлари ҳам эътибор бериши керак.

Яна бир муаммо бор. Маълум план асосида, системали равишда академиклар, фан докторлари, саноат командирлари область, район, мактабларида ўқувчилар, ўқитувчилар билан бирга суҳбатлар ўтказиб, унда мактабда ўқитилаётган фанларнинг халқ хўжалигида қўлланилишини кўрсата билиши керак. Бундай суҳбатларда ихтиро ва кашфиётлар яратиш, фан натижаларини ҳаётга жорий этиш, фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши, унинг ҳақиқий бойлик манбаи эканлиги тушунтириб борилса, айни муддао бўлур эди.

Ўйлаб кўрилса ортиқча ҳаракат қилиб, баракали иш қилмаётганга, масаланинг асосий негизини тополмаётганга, иқир-чиқирлар орасида ўралашиб қолаётганга ўхшаймиз. Нима қилиш керак? Бизнингча, мактаб ўқувчиларида эркин ҳаракат қилиш, интилиш, тинмай машқ қилиш, фикрлаш қобилиятини уйғотиш даркор. Бунинг учун уларни 6-синфдан бошлаб ҳар йили махсус олимлар иштирокида қўшимча ёзма имтиҳондан ўтказиш лозим. «4» ва «5» баҳо билан имтиҳондан ўтганлар тўғридан-тўғри институтга кириши мумкинлигини очиқ айтиш керак. Ўтказилган бундай имтиҳонларнинг жавоблари алоҳида папкаларда сақланиши ўқувчиларда жавобгарлик ҳиссини кучайтиради. Шундай мактабларни ажратиб тажриба ўтказмоқ керак.

Яна шундай тажриба ҳақида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Фаннинг айрим соҳалари ёки мутахассисликлари бўйича институтга кирадиган ўқувчиларни мактабнинг ўзида тайёрлаб бориш, масалан, уларни математик, физик, инженерлик соҳаларига киришини таъминловчи дарслардан махсус ўқитиб аттестатига ҳам шу соҳага кириши ёзиб қўйилса, яхши бўларди.

Кўп йиллик олиб борган илмий педагогик ишларимиз шуни кўрсатдики, айтилганлар планли равишда олиб борилса фан-техника жараёнини жадаллаштирувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш мумкин бўлади. Бизнингча, янги техникавий университетлар очиш даври келди. Политехника институти билан техника университетининг қандай фарқи бор деган савол туғилиши табиий. Аслида фарқ катта. Техника университетларида фаннинг фундаментал қисми кенг маънода берилади. Студентларга механизм ва машиналар соҳасидаги билимлар берилади. Фундаментал фандан татбиқий фанга ва у орқали янги конструкция яратишга ўтиш узлуксиз бўлиши таъминланади. Республикамизда «ПАХТА» комплекси соҳасини кўзлаб, унинг фундаментал фан асосида яратилишини истаб, техника университети келажакда фан-техника тараққиётини жадаллаштирувчи инженер-конструктор, инженер-олим, конструктор-олим яратилишига катта йўл очган бўлур эди, дейиш мумкин.

Ҳ. УСМОНХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

КИТОБ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

—Газетанинг шу йил 19 январь сонида босилган «УМР ТОРЛАРИ УЗИЛМАСИН» сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Мақола юзасидан ўтказилган текшириш якунлари район медицина бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида ва район партия комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилди.

Район медицина бирлашмаси бош врачи Т. Зокиров, бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Абдуллақуловга 1987 йил октябрь ойида бюро қарори билан виговор эълон қилинганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг эътибори коллективда соғлом вазият яратиш, медицина ходимлари масъулиятини оширишга қаратилди.

Туғуруқхона ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар бўш ташкил этилганлиги, медицина хизмати кўрсатиш даражаси пасайтириб юборилганлиги учун туғуруқхона бош врачи Г. Набиевага қаттиқ виговор эълон қилинди.

Район поликлиникаси янги бинога кўчирилиб, унинг ўрни болалар поликлиникаси учун олиб берилди. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ҚУШРАБОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 13 февраль сонида чоп этилган «ЎНГЛАНИШ БЎЛАДИМИ?» сарлавҳали материалда Қўшработ район «Истиқбол сари» газетасида ёритилаётган материалларга берилган обзор юзасидан район партия комитети текшириш ўтказди. Текшириш натижалари район партия комитетининг бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилинди.

Газетанинг обзор материалида келтирилган танқидий фикрлар асосан тўғри, деб топилди.

Район газетаси редактори П. Олтибоевга пишиқ-пухта ёзилмаган, конкрет мисоллар кам бўлган, умумий фикрлар билан чегараланиб қолинган материаллар газетада ёритилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Редакция бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида ҳам мазкур мақола муҳокама этилди. Ишни яхшилашга доир конкрет қарор қабул қилинди.

ТЕМИРЙЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

—Самарқанд шаҳар Темирйўл район партия комитети газетада босилган «БЕПАРВОЛАР» (1988 йил 31 март сони) сарлавҳали мақолада баён этилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри, ўз вақтида чоп этилган, деб ҳисоблайди.

Мақола автокорхоналар меҳнат коллективлари, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилинди. Иқтисодий ўқишни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан чоралар кўрилди. 2522-автоколонна бош инженери Р. Шчербаковга виговор берилди. Марксча-ленинча таълимни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Район партия комитети мазкур масалани ўз бюросида кўриб чиқди. Меҳнат коллективлари партия комитетларига иқтисодий ўқувнинг таъсирчанлигини ошириш вазифаси топширилди.

2522-автоколонна ва 22-автобус парки бошланғич партия ташкилотларига камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

Янги туғуруқхона комплекси

ТОШКЕНТ. Пойтахтнинг Октябрь районида қурилиб фойдаланишга топширилган республикада энг йирик туғуруқхона комплекси ҳомиладор аёлларни қабул қила бошлади. Туғуруқхонада шифокорлар замонавий аппаратлар билан даволашнинг энг янги методларини қўлламоқдалар.

Чақалоқлар учун одатдаги умумий зал билан бирга махсус хоналар ҳам жиҳозланган. Бу ерда республикада биринчи бор болалар реанимация ва гинекология бўлими ташкил этилган. Янги туғуруқхона комплексида йилига 6 минг нафаргача кишини қабул қилиш мумкин.

Суратда: янги туғуруқхона комплекси.

Р. Нуриддинов, А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ).

ТАЪМИРЛАШ САМАРАСИ

ТЕРМИЗ. Шаҳардаги 200 ўринли область туғуруқхонаси кейинги бир йил ичида капитал ремонт қилиниб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу ишни «Облремонтстройтрест»га қарашли 31-шаҳар ремонт қурилиш бошқармаси бинокорлари амалга оширдилар. 480 минг сўмлик иш бажарилди. Қўшимча 57 минг сўмлик медицина асбоб-ускуналари харид қилиниб, хоналар ҳавоси мўътадиллаштирилди. Ультразвук, электрофон, электроаналгезия каби мураккаб аппаратлар айниқса, қўл келмоқда. Медицина ходимлари эса, аттестациядан ўтказилиб, уларнинг 15 процентн ўрта ва кичик ходимлар вазифасига нолойиқ деб топилди.

А. ХАЛИЛОВ.

БЕПАРВОЛИКМИ ЁКИ БАҒРИТОШЛИК?

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИНИНГ БОЛАЛАР БЎЛИМИГА ЗАРУР БЎЛГАН ЕРНИ НЕГА АЖРАТИБ БЕРМАЯПТИ!

Бир неча йилдирки, республикамиз шифокорлари болалар руҳий касалликларини алоҳида жойда даволаш ҳақида жар солишади. Невропатологлар, психиатрлар ва наркологлар Ўзбекистон жамияти II съезди қабул қилган қарорнинг муҳим бандлари ҳам шу масалага бағишланганди. Хўш, нега мазкур болалар шифохонасини ажратиш керак? Аввало, уларни ўқитиш учун шароит зарур. Қолаверса, нутқлари, ақлларини ривожлантириш учун малакали мутахассисларни бир жойга жамлаш лозим. Бу ёш авлодга алоҳида таъминот талаб этилади.

Самарқанд область руҳий касалликлар шифохонаси бош врачи Низомҳон Хўжаев югориб-елиб эски бир бинони олишга муваффақ бўлди. Бир пайтлар Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг идораси бўлган бу бинода эндокринология диспансери жойлашганди. Бино ҳароба ҳолга келгач, диспансер бошқа жойга кўчди. Психиатр-врачлар ҳашарга чиқишди. 20 кун деганда ҳароба қайта тикланди... Энди беш областдан руҳий касалликка учраган болалар даволаниш учун шу ерга олиб келинмоқда.

— Илгари болаларни Ургут районига, область руҳий касалликлар шифохонасига олиб боришарди, — дейди беморлардан бирининг онаси Р. Брук. — Энди шаҳарда касалхонанинг бўлими очилиб йўл азобидан қутилдик. Энг асосийси даволаниш учун бу ерда шароит бор. Менда область «Ленинский путь» газетасининг шу йил 28 январдаги сони сақланиб қолган. Унда аввал бу ерда эндокринология диспансерида даволанган 26 беморнинг хати босилган. Арзномада «Касалхонамизга бир назар ташланг. Ҳатто фермада чорва молларига бундан яхши шароит яратилган...», деган сатрлар бор. Ана шундай жойни қисқа вақт ичида ҳақиқий даво марказига айлантиришди. Одамларга қуллуқ қиламан.

Ҳаммаси яхши экан, нега қўлга қалам олдик? Гап шундаки, бу ердаги эллик нафар гўдакнинг ранги синиққан, шифохонанинг бир бўйралик ҳовлиси бор, ҳолос. Нима қилиш керак? Сал нарида травматология касалхонаси жойлашган. Ҳар икки шифохона орасида қарийб икки гектар ер бўлиб, Энгельс номли колхоз шу пайтгача ундан мутлақо фойдаланмаган. Ташландиқ ерга кимдир дарахт, кимдир ток, яна кимдир ўт эккан. Болалар бўлими биносига туташ бу ернинг ҳозир талабгори кўпайди. «Узбекнурортремстрой» трести уй-жой қурмоқчи эмиш. Ёзиш-чизиш ишлари бошланди. Бироқ область соғлиқни сақлаш бўлими шу ерни болалар шифохонасига ажратиб бериш ҳақида область ижроқоми раиси А. Йўлдошев номига ёзган хати ҳаракатсиз турибди.

— Биз келгусида юз ўринли корпус қуришимиз даркор, — дейди Н. Хўжаев.— Бу жуда кўп қарорларда таъкидланган. Наҳотки шу ерни бизга беришнинг имкони бўлмаса? Бир қисмида боғ-роғ бўларди. Болаларга очиқ ҳаво, дарахтзор нақадар керак. Қачонгача улар сиқилиб, палатада ўтиришади?

Ҳақиқатан ҳам икки шифохона ўртасида турар жой биноси қуриш на мантиққа тўғри келади, на қонда. Қолаверса, уй-жой учун йўлнинг нариги бетида худди шундай ер ҳам бор. Болалар шифохонасига эса бу замин ҳаводек зарур. Биз гўдаклар олдида доим қарздормиз. Руҳий хаста болаларни даволаш учун эса ҳеч нарсани аямаслигимиз шарт. Лекин ижроком нега лоқайдлик, бепарволик қиляпти? Балки бу бағритошликдир. Ижрокомдаги ўртоқлар бир марта мазкур шифохонага боришса эди, гўдакларнинг табиат қўйнига ташналикларини сезишарди.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Диққат: янгилик*

УХЛАТИБ ДАВОЛАШ

Ғуломжон Шарипов икки йил олдин битта тишини олдириш учун область стоматология поликлиникасига қатнаб бир неча кун ишдан қолганди. Яқинда тиш оғриги яна безовта қилди. Лекин беморнинг поликлиникага боришга юраги дов бермасди. Бу орада у кўчада тўсатдан хирургия бўлими ходимига дуч келиб қолди, дардини айтди.

— Э, дўстим, сиз энди сира қўрқманг. Поликлиникамизда янги техника воситалари ишга туширилди. Оғриқсиз усуллар жорий этиляпти. Ҳатто тишингиз даволангани ёки олдириб ташланганини ҳам билмай қоласиз. Энг муҳими — бу ишлар жуда тез бўлади, — деди у.

Бемор эртасига поликлиникага келиб, яна анализ топширди. Кейинги куни алоҳида хонага таклиф этилди. Тайёргарлик муолажасидан сўнг беморни ухлатиб, унга азоб бераётган олтита тиши бир йўла олиб ташланди. Бемор ўзига келганда тиши олинган, оғриқ ҳам сезилмасди. Учинчи куни ишга равона бўлди. Д. Ғуломова, Ё. Абдураҳимов, Р. Солиева, А. Худойбердиев каби тиш оғриғига дучор бўлганлар ҳам ана шу янги усул туфайли тезда соғайиб, меҳнат қучоғига қайтдилар.

Қайта қуриш даврида коллективимиз ҳам ижодий изланмоқда. Натижада такомиллашган, замонавий асбоб-ускуналар ишга тушириляпти. Жумладан, ўтган йили тиш арралайдиган УС-30 электр бор машиналарининг бир қисми алмаштирилди. Уларнинг ўрнига айланиш тезлиги катта бўлган замонавий турбинли электр бор агрегатлари ўрнатилди. Бугунги кунда З. Ортиқбекова, Э. Узоқова, А. Низомов, А. Абдуллаев каби ўнлаб малакали шифокорларимиз янги техника воситасида беморларни тез ва малакали даволамоқдалар.

Поликлиникада беморни ухлатиб тишини даволаш практикаси оммалашиб бормоқда. Янги усулнинг афзаллиги шундаки, бемор оғриқ сезмайди. Бундан ташқари бир йўла бир неча тишни даволаш ёки олиб ташлаш мумкин. Стоматологлардан С. Шарипов, А. Низомов, Ш. Шарипов, ўрта медицина ходимлари М. Тожибоева, Р. Бобожонова, Х. Мирдадаевалар янги усулни қўлланиш туфайли беморлар таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Албатта, даволашдан олдин ўтказиладиган комплекс текширув натижаси бу усулга асос бўлади. Чунки ухлатиб даволашни ҳаммага ҳам қўлланиб бўлавермайди. Чунончи жигар, буйрак, юрак, қонтомир хасталиги давом этаётган, инфаркт-миокард касаллиги ўткирлашган пайтда бу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

К. МАЛИКОВ,
Наманган область стоматология поликлиникасининг бўлим мудири.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Суд залидан*

СОТИБ ОЛИНГАН ФАЛОКАТ

Пискент район халқ суди биносига тўпланган кишилар оғирма сукутда. Эндигина йигирма беш баҳорни кўрган бир йигит қора курсида бош эгиб ўтирибди. Қилмишидан пушаймон бўлаётгани кўринишидан яққол сезилиб турибди. Ўша мотоциклни нега сотиб олди-я? Бошқариш учун махсус ҳужжати бўлмагани ҳолда нега уни ҳайдаб юрди? Давлат автоинспекцияси ходимлари ҳам тартибга чақиришмади... Нега арақ ичиб рулга ўтирди? Хуллас, ўзбошимчаликлар бир дўстининг бевақт ўлимига сабаб бўлди.

Эргаш Холматов раислигида олиб борилаётган судлов мажлиси ниҳоят охирига етди. Ҳукм ўқиб эшиттирилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Қодиров Ғайрат Ҳасановични Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-моддаси II қисми билан айбли деб топилсин ва муддати 5 (беш) йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлансин... Лекин ЎзССР ЖПКнинг 338-модда 1-бандига асосан саломатлиги яхши бўлиб кетгунга қадар ҳукм ижроси кечиктирилсин».

Мана, сизга беҳуда хатти-ҳаракатлар қилиш оқибати. «Ўйламай отилган соқчон ҳам бошга тегади, ҳам оёққа», — деб шунга айтсалар керак-да?!

...Ўшанда куз фасли эди. Баҳром Комилов деган шахснинг уйига кечки пайт икки ўртоқ — Бахтиёр Қобилов билан Ғайрат Қодировлар келишди. Меҳмондорчилик бошланди. Ўртага заҳри қотил (яъни арақ) келиб тушди. Қаердандир сотиб олинган шишадаги нарса «шароб» эмас, орадан кўп ўтмай содир бўладиган фалокатнинг уруғи эканлигини улар пайқашмасди.

Қоронғулик туша бошлаганда уч биродар шира кайфда кўчага чиқишди. Эшик олдида Ғайрат Қодировнинг «Восход—3» маркали мотоцикли турарди.

— Мени уйимга, Тўйтепага олиб бориб ташла, — илтимос қилди Бахтиёр Қобилов.

Ғайрат Қодиров рози бўлди. Мотоцикл катта йўлдан учиб кета бошлади. Орадан кўп ўтмай у чеккароқда тўхтаб турган юк автомашинасига бориб урилди. Йўловчилар қаттиқ жароҳатланган икки ўртоқни автомашинада Ўрта Чирчиқ район марказий касалхонаси травматология бўлимига олиб боришди. Орадан тўрт кунча вақт ўтгач Бахтиёр Қобилов ҳаётдан кўз юмди. Отаси Қўзибой Қобилов билан онаси Ҳайриниса опа оғир жудоликка чидай олишмади. Ўз вазифасига ўта масъулиятсизлик билан қараган врачлар устидан юқори ташкилотларга шикоятлар ёзишди. Ниҳоят марҳумнинг жасади қабрдан олиниб, қайтадан судмедэкспертизадан ўтказилди. Комиссия: «Б. Қобиловга ўз вақтида ва малакали медицина ёрдами кўрсатилганида у тирик қолиши мумкин эди», — деган хулосага келди.

Ғ. Қодировнинг жиноят ишини кўрган Пискент район халқ суди бу масалага алоҳида диққатни қаратиб, хусусий ажрим чиқарди. Унда бундай дейилади: «Суд Қодиров устидан айблов ҳукми чиқариш билан бирга ликда тергов органлари томонидан чиқарилган Ўрта Чирчиқ район марказий касалхонаси врачларига нисбатан ишнинг бир қисмини бекор қилиш ҳақидаги қарорларини асоссиз деб топди... Чунки марҳум Б. Қобиловнинг мурдасини текширган юқори малакали мутахассисларнинг фикрича, Қобиловнинг ўлимига айнан врачлар сабабчи бўлганлиги кўрсатилган... Шунинг учун суд Қобиловнинг ўлимига сабаб бўлган врачларнинг айбини конкретлаштириб, уларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим деб ҳисоблайди... Тергов ҳаракатларини жонлантириш мақсадида Ўрта Чирчиқ район прокурорининг фикрини шунга жалб этишни лозим топади».

Шу билан бирга, судлов ҳайъати жиддий хатоликларга йўл қўйган врачлар устидан чиқарилган бошқа хусусий ажримни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ҳамда Ўрта Чирчиқ район марказий касалхонаси раҳбарларига муҳокама этиш ва чора-тадбирлар белгилаш учун юборди.

У. ЮСУПОВ.

• *Спорт*

ТИНЧЛИК ВЕЛОПОЙГАСИДА

Велосипедчилар ўртасида ўтказилаётган халқаро Тинчлик пойгаси охирлаб боряпти. Ўнинчи босқичда ГДР спортчиси Олаф Людвиг ғолиб чиқди. Бу — унинг ҳозирги мусобақа қўлга киритган учинчи ғалабасидир. Умумкоманда ҳисобида эса Совет Иттифоқи терма командаси олдинда бормоқда. Тошкентлик армиячи Жамолиддин Абдужабборов пешқадамлар сафида боряпти.

41-Тинчлик велопойгаси эртага Берлин шаҳрида якунланади. Худди шу куни у эстафетани навбатдаги Тинчлик велопойгасига узатади. Бу мусобақа Париж — Москва маршрути бўйлаб ўтади. «Юманите» ва «Правда» газеталари редакциялари ушбу пойганинг бош ташкилотчиларидир.

ТВ ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ТВ

23 май, душанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Футбол шарҳи. 9.35 — «Охирги навбатда». Бадиий фильм. 11.00 — Янгиликлар. 11.10 — Саёҳатчилар клуби. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Фан ва меҳнат иттифоқи. 16.40 — Рус тили. 17.10 — Блюхер ватанида. 17.45 — Ф. Шуберт. Ўн икки вальс. 18.00 — Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда. 18.45 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Америка билан учрашувлар. 20.40 — Шеърият лаҳзалари. 20.50 — Америка билан учрашувлар. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Бир актер театри. 23.10 — Футбол шарҳи. 23.40 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Рус тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Биология. 12.05 — Усимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм, 1 ва 2 серия-лар. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Халқаро панорама. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 —«Печкачилар». Бадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильмлар. 00.20 — Янгиликлар. 00.30 — Тонгги почта.

ЎзТВ-I. 14.30 — «Севги мавзусига ўтамиз». Бадиий фильм, 1—2 серия-лар. 16.35 — Телефильм. 16.50 — Ленин Декрети асосида. 17.30 — Табиатшунослик. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Фильм-концерт. 18.25 — Қурашчан атеизм учун. 18.55 — Колокольчик. 19.25 — Ёзувчи ва замон. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан. 23.15 — Фильм-концерт.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Қорақумда». Бадиий фильм. 20.50 — Ёшлик. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Роппа-роса 22.15 да». 23.15 — «Маскарад». Бадиий фильм.

24 май, сешанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Футбол. Халқаро ўртоқлик учрашуви. 10.45 — Янгиликлар. 10.55 — Бир актер театри. 11.50 — Рус халқ қўшиқлари. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Пенза телевидение студиясининг программаси. 17.15 — Салом музика! 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Инсон ва қонун. 18.50 — Дунё воқеалари. 19.10 — Танишинг: XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатлари. 19.50 — Футбол. Халқаро ўртоқлик учрашуви. Франция — Жаҳон терма командалари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Билса ҳазил, билмаса чин. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.00 — Москва — София телекўприги. 00.20 — Гандбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал «Тусем» (ГФР) — МАСК.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Француз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Француз тили. 13.05 — «Шовуллади ўрмонлар». Бадиий фильм. 14.10 — Ҳужжатли фильмлар. 14.45 — Янгиликлар. 14.55 — «Оқ шаман». Бадиий фильм, 1-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Тинчлик велопойгаси. 19.15 — Музикали киоск. 19.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Иллюзион. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 14.30 — Болалар учун фильм. 16.25 — «Азиз». Бадиий фильм. 17.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.00 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Х Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши. 19.00 — Манзарали фильм. 19.30 — Социалистик турмуш тарзи. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тошкент давлат консерваторияси 50 ёшда. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ассалом, фестиваль. 23.00 — Совет киноси усталари.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Тренер». Бадиий фильм. 20.50 — Телефильм. 21.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Дин ва замон.

25 май, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда». 9.50 — «Печкачилар». Бадиий фильм. 11.10 — Янгиликлар. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 16.15 — Озодликка эришишда осон йўл бўлмайди. 17.10 — Музикали хазина. 18.00 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Мультфильмлар. 20.15 — «Икки қўён ортидан қувиб». Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Тинчлик ҳақида диалог. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.25 — В. Астафьев. «Сайқал».

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — И. О. Дунаевский музикалари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Музика. 12.05 — Немис тили. 13.05 — «Ёркин йўл». Бадиий фильм. 14.40 — Ҳужжатли фильмлар. 15.20 — Янгиликлар. 15.30 — «Оқ шаман». Бадиий фильм, 2-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳайкалтарош Анна Голубкина. 19.45 — А. Коган (скрипка) чалади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — «Синчков нигоҳ». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар. 23.45 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 14.30 — Бепоён Ватаним менинг. 15.45 — Фильм-концерт. 16.15 — «Дорбозлар». Бадиий фильм. 17.30 — Илмий-оммабоп программа. 18.00 — Янгиликлар. 18.15— Пионерлар мамлакатида. 19.00 — Инсон ва қонун. 19.30 — Кинолавҳа. 19.35 — Африка озодлиги кунига. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Долзарб вазифа. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музикали программа. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Совети депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — «Барҳаёт наволар». 23.15 — Илҳом. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.30 — Телефильм. 20.15 — Ўзбекистон спорти. 20.50 — Китоб оламида. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — «Гоҳо эслаб тур». Бадиий фильм.

26 май, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Салом, музика». 9.50 — «Икки қўён ортидан қувиб». Бадиий фильм. 11.05 — Янгиликлар. 11.15 — Концерт. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 16.25 — Ҳужжатли фильмлар. 17.05 — Болалар учун фильм. 18.05 — Рассом устахонасида. 18.30 — Фидойи шахслар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — М. Логинов чалади (балалайка). 20.00 — «12-қават». 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Эфирда музика.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Биология. 12.05 — Испан тили. 13.00 — «Баҳор». Бадиий фильм. 14.45 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — Янгиликлар. 15.30 — «Оқ шаман». Бадиий фильм, 3-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30— Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Халқ чолғулари садолари. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 00.05 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 14.30 — «Чинор тагидаги дуэль». Бадиий фильм. 15.45 — Ёшлик. 16.15 — Ҳужжатли фильмлар. 17.30 — Ўқитувчи экрани. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Санъат ғунчалари. 19.00 — Хўжасизликка барҳам берайлик. 19.30 — «Маржон» қрим татар ансамблининг концерти. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Шеърият саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — Фестиваль учрашувлари. 23.45 — Фильм-концерт.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Плюшчихадаги уч терак». Бадиий фильм. 20.45 — Реклама. 20.50 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар. 22.15 — «Чойхонаи мушфиқий».

27 май, жума

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Фидойи шахслар. 9.50 — «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 7-фильм. «Аччиқ шамол», 1 ва 2-серия-лар. 16.00— Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Озарбайжон телевидениесининг программаси. 17.15 — Фан: назария, тажриба, практика. 17.45 — Нега ва нима учун? 18.45 — Фалсафий суҳбатлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Шеърият лаҳзалари. 19.40 — Катталар учун мультфильмлар. 20.00 — Минск областидаги Крупицк қишлоқ Маданият уйининг директори В. Н. Гром билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — 1988 йил қўшиқлари. 23.55 — Интерсигнал. 00.25 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Музика. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Тарих. 11.35 — Гинетика нима? 12.05 — Инглиз тили. 12.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.00 — «Синчков нигоҳ». Бадиий фильм. 14.20 — Ҳужжатли фильм. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — «Қилич ялангочлаб». Бадиий фильм. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Алоҳида эътибордаги зона. 19.00 — Саёҳатчилар клуби. 20.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Очиқ рояль. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Хаёлий бахт». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 14.30 — Фильм-концерт. 15.45 — «Хайрли соатда». Бадиий фильм. 17.20 — XV Республика адабий-лингвистик олимпиадаси. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — Агросаноат; тажриба ва муаммолар. 19.30 — СССР — АҚШ: диалог давом этади. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Бўстон. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.35 — «Пятницкая кўчасидаги қовоқхона». Бадиий фильм. 21.00 — Замондошларимиз. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ҳар доим ҳам қуёш нур сочавермайди». Бадиий фильм.

28 май, шанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ҳужжатли фильм. 9.25 — Нега ва нима учун? 9.55 — Биз бахтиёр эдик. 10.15 — Халқ ижодиёти. 10.45 — Мультипликацияда фантастика. 11.05 — Апартеид — бу ирқчилик. 11.35 — Ёшлик қуйлайди ва рақсга тушади. 11.50— Давр ва ўзим ҳақимда. 12.20— Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.50 — Сени севаман, ҳаёт. Фотоконкурс. 12.55 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 14.00 — Шанба — ота-оналар куни. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.50 — Кубань Давлат казаклар хорининг концерти. 16.30 — Бугун — Чегарачилар куни. 16.45 — Бутунроссия ва халқаро конкурслар лауреати Л. Терво чалади. 17.05 — Халқаро ҳаёт бош редакцияси таништиради. 18.10— Иллар, авлодлар, қўшиқлар. 19.20 — «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 7-фильм. «Аччиқ шамол» 1 ва 2-серия-лар. 21.30 — Время. 22.40 — Футбол. СССР кубоги. Финал. 00.15 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия намойиш этади. 9.25 — Танланган асарлар. 10.20 — Здоровье. 11.05 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 11.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Ҳайвонот оламида. 13.05 — Новаторлар ва консерваторлар. 13.55 — Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 14.30 — Инсон институти. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Мультфильмлар. 17.10 — «Ўта муҳим шахс». Бадиий фильм. 18.20 — «Детектив ўйини». Телеспектакль. 19.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.30 — Рауф Гажиев оператларининг оҳанглари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Марказий Америкада тинчлик: умид ва воқелик. 21.05 Шарқий Сибирь. 21.15 — Болтиқ денгизи мамлакатлари дўстлик велопойгаси. 21.30 — Время. 22.40 — Кино ва томошабин. 01.15 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — «Тириклайин қўлга олинсин». Бадиий фильм. 10.55 — Дўстларимиз тароналари. 11.30 — Спорт шарҳи. 12.30 — Инсон ва замин. 13.30 — Китоб дўстлари. 14.20 — Ҳинд оҳанглари. 15.20 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 15.50 — Амалдаги интернационализм. 16.20 — 1941—1945 йилларда ги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 43 йиллигига ва Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланган бадиий-ҳарбий спорт байрами. 17.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 17.45 — Композитор Б. Гиенконинг ижодий кечаси. 18.30 — Тенгдош. 19.15 — Тилга эътибор. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.40 — Фестиваль учрашувлари.

ЎзТВ-II. Фрунзе. 18.35 — Инсон, дин, ахлоқ. 19.35 — Бугун — Чегарачилар куни. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Мезгил. 20.30 — Куз. 21.30 — Время. 22.40 — Ҳужжатли фильм.

29 май, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Қишлоқ янгиликлари. 12.55 — Музикали киоск. 13.25 — Илмий-оммабоп фильм. 14.20 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 15.55 — Д. Гершвин асарларидан концерт. 16.55 — Янгиликлар. 17.25 — Классик куй шинавандаларига. 18.30 — Мультфильм. 19.35 — «Ўзинг асра мени, туморим». Бадиий фильм. 20.45 — Эстрада концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Евровидениенинг қўшиқлар конкурси.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Сиз яратган боғ. 9.20 — Оламга саёҳат. 10.20 — Портретлар. 11.20 — Иқтисодий билимлар асослари. 11.50 — Юлдузча. 12.45 — Ўқитувчи дарсига. 13.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 13.55— Ажойиб кишилар ҳаёти. 14.25 — Мамлакат театрлари намойиш этади. 16.35 — Олам кинокамера кўзгусида. 17.30 — Қўғирчоқ театри олами. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — «Чепена» куйлайди ва рақсга тушади. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Телевизион музикали абонемент. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.30 — Время. 22.05— «Ўрдаклар учун тузоқ». Бадиий фильм. 23.30 — Болтиқ денгизи мамлакатлари дўстлик велопойгаси. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.25 «Келин». Бадиий фильм. 11.00 — Фильм-концерт. 11.30 — Спорт программаси. 12.30 — Санъат олами. 13.00 — Дўстлик экрани. 14.00 — Гул байрами — нур байрами. 16.10 — Реклама. 16.25 — Ёшлик. 17.20 — Музика истиқболи эгалари. 18.00 — Концерт. 19.15 — Бардам бўлинг. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ижод саҳифалари. 23.10 — Хива вақти билан роппа-роса соат еттида.

ЎзТВ-II. Душанба. 17.50 — «Темирйўл ёқасидаги уй». Бадиий фильм. 19.00 — Новости. 19.15 — Реклама. 19.30 — «Тоза доска». Бадиий фильм. 20.00 — Ахбор. 20.15 — Фильм-концерт. 20.45 — Мулоқот. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали программа.

Р. — 10795. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 118. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12